

Мамлакатимизда ислом цивилизациясининг бой ва бетакрор меросини қайта тиклаш, асраб-авайлаш, ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O'zingni angla!



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
8-iyul
chorshanba
№ 27 (1505)

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan

www.uzhurriyat.uz



hurriyatuz@mail.ru



t.me/hurriyatuz



Hurriyat gazetasi

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ I ХАЛҚАРО ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли форум иштирокчилари!
Азиз меҳмонлар!

Ўзбекистоннинг қадимий ва меҳмондўст заминидан илк бор ўтказилаётган Ислom цивилизацияси Халқарo форумининг очилиши муносабати билан сизларни самимий табриклайман.

Дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатларидан ташриф буюрган таниқли олимлар, нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари, давлат ва жамoат арбоблари, маданият ва диний конфессиялар намоёндалари иштирок этаётган ушбу анжуманининг Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси марказида ўтказилаётгани чукyр тарихий ва рамзий маънога эга. Бу йирик халқаро тадбир жаҳон ҳамжамиятининг ислом цивилизациясига, унинг бой маънавий, илмий ва маданий меросига қизиқиш ва эътибори ортиб бораётганидан далoлат беради.

Бугунги кунда дунё чукyр ва шиддатли ўзгаришлар даврини бошидан кечирмоқда. Инсоният фан ва технологиялар соҳасида мислсиз ютуқларни қўлга киритмоқда, айни вақтда жиддий синов ва муаммоларга ҳам дуч келмоқда: можаpлар ва ўзарo ишончсизлик кучаймоқда, бузғунчи фабуpалар, тоқатсизлик, экстремизм, исломофобия кўринишлари кенг тарқалмоқда. Маданиятлар, динлар ва цивилизацияларни бир-бирига қарши қўйиш, турли халқларнинг урф-одат ва анъаналари ўртасида зиддият келтириб чиқаришга уринишлар авж oлмоқда.

Бундай мураккаб вазиятда азалдан башариятнинг тинч-тотув ҳаёти, ҳамжиҳатлик ва маърифатга интилиши, тадрижий ривожланиши учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиб келган эзгу тушунчалар, жумладан, исломий қадриятлар алоҳида аҳамият касб этади. Барчангизга аёнки, бу қадриятлар асрлар давомида илмий тараққиёт, маданий юксалиш ва маънавий камолотнинг қудратли манбаи сифатида жаҳон тафаккури ривожига кенгис ҳисса қўшган ва умуминсоний мероснинг ажралмас қисмига айланган.

Шу маънода, 2017 йилда Бирлашган Миллат-

лар Ташкилотининг юксак минбаридан Ўзбекистон илгари сурган “Жаҳолатга қарши маърифат” деган концептуал ғоя оддий, аммо ўзгармас бир ҳақиқатни тасдиқлайди: бугунги нотинч ва таҳликали дунёда фақат илм-фан, таълим ва тарбия, маданият ва юксак ахлоқий қадриятларгина ер юзидa тинчлик, ўзарo тушуниш, ижтимоий ҳамжиҳатлик ва барқарор ривожланиш учун ишончли пойдевор бўла олади.

Муқаддас ислом динимиз инсонни азиз ва муқаррам билиб, ҳақиқатни излашга, илм-маърифатга интилиш, илмий кашфиётлар қилишга, бунёдкор меҳнатга, таълим, санъат ва маданиятни ривожлантиришга илҳомлантириб келади.

Бутун инсониятнинг умумий бойлиги бўлган бу ноёб меросда минтақамизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ушбу бепoён худуд жаҳон илм-фани, маърифат ва маънавиятининг эътироф этилган йирик марказларидан ҳисобланади. Ана шу муборак заминда асрлар давомида математика, астрономия, геодезия, тиббиёт, кимё, тарих, фалсафа, калом, ҳадисшунослик ва бошқа кўплаб илм соҳалари юксак тараққий этган. Хусусан, улуғ ватандошларимиз – Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Могуридий, Бурҳониддин Марғиноний сингари мумтоз алломаларнинг бебаҳо мероси жаҳон тафаккур хазинасидан муносиб ўрин эгаллайди.

Юртимиз тарихида амалга оширилган, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс деб ном олган буюк юксалиш даврларида эришилган ноёб илмий-маданий ютуқлар ҳозирги кунда ҳам инсониятни янги марралар сари руҳлантириб келмоқда. Бугунги кунда Янги Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидан қатъият билан бормоқда.

Биз бу янги Уйғониш даврини илм-фан, инновациялар, замонавий таълим, жамиятнинг маъ-

навий-интеллектуал ўсиши, бой тарихий меросимизга чукyр ҳурмат ва ҳар бир инсоннинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга асосланган янги тараққиёт босқичи сифатида кўра-миз.

Шу боис, мамлакатимизда ислом цивилизациясининг бой ва бетакрор меросини қайта тиклаш, асраб-авайлаш, ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу тизимли ишлар, аввало, ислом меросини чукyр тадқиқ этиш, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, фундаментал илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, гуманитар ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган. Ушбу жараёнда ислом цивилизациясининг буюк намоёндалари ҳаёти ва фаолияти билан боглиқ муқаддас қадамжолар ҳамда тарихий-маданий мажмуаларни қайта тиклаш ва ободонлаштириш бўйича мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, Самарқанд вилоятида буюк муҳаддис Имом Бухорий мемориал мажмуасининг қайтадан барпо этилиши нафақат мамлакатимиз, балки бутун мусулмон оламида энг йирик маънавий, илмий ва маърифий марказлардан бири сифатида эътироф этилаётгани бизни албатта қувонтиради. Азалдан буюк цивилизациялар, маданият ва динлар туташган Ўзбекистон замини бугунги кунда ҳам турли миллат ва элатлар, диний конфессия вакиллари тинчлик, ўзарo ишонч ва ҳамжиҳатлик муҳитида яшайдиган эзгулик диёрига айланиб бормоқда. Ана шу очиклик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик анъаналари давлат сиёсатимизнинг асосий тамойилларини ташкил этиб, мамлакатимизнинг халқаро гуманитар ҳамкорлик, маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни янада мустаҳкамлаш йўлидаги интилишларининг мазмун-моҳиятини белгилаб бермоқда.

Хурматли форум иштирокчилари! Муқаддас Куръони каримнинг “Иқро!”, яъни “Ўқи!” деган абадий даъвати дунёдаги барча эзгу

ниятли кишиларнинг бугунги ва келажақ авлодлар бахт-саодатини кўзлаб амалга ошираётган олижаноб ҳаракатлари учун йўлчи юлдуз вази-фасини бажаради. Орадан неча асрлар ўтганига қарамасдан, ушбу илоҳий чорловнинг теран маъно-мазмуни ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ақсинча, жадал ўзгаришлар ва технологиялар мислсиз суръатларда ривожланаётган ҳозирги даврда бу қаҳирик янада баралла янграб, айнан илм-маърифат, маънавий ва интеллектуал тараққиёт жамият раvнақининг ҳал қилувчи кучи эканини бутун башариятга еслатиб турибди.

Бу муборак калом Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси марказининг асосий дарвозаси пештоқига битилган бўлиб, унинг олий мақсадини – ислом цивилизациясининг бебаҳо меросини асраш ва чукyр ўрганиш, шу асосда дунё халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлиқни ҳар томонлама мустаҳкамлашдек улуг миссиясини аниқ белгилаб беради. Биз учун мазкур Марказ халқимизнинг тарихий хотираси рамзи, буюк аждодларимиз меросига бўлган чукyр эҳтиром ифодаси, айни пайтда Янги Ўзбекистоннинг келажакка қаратилган шиддатли интилишининг ёрқин тимсолидир.

Шу билан бирга, у очик интеллектуал макон бўлиб, ўз ҳаётини илм-фани ривожлантириш, умуминсоний қадриятларни асраш ва келгуси наслларга безавoл етказишга бағишлаган дунёдаги барча маърифатпарвар инсонларни, олим ва тадқиқотчилар, диний арбоблар ва мутахассисларни бирлаштиришга хизмат қилади.

Эътиборлиси шундаки, Марказ қисқа вақт ичида ўтмиш билан келажакни, Шарқ билан Ғарбни, қадим анъаналар билан замонавий илмий ютуқларни ўзарo боглайдиган интеллектуал кўприкка айланди. Шу боис, биз Ислom цивилизацияси I Халқаро форумини турли давлатлар ва халқаро ташкилотлар, илмий марказлар, университетлар ва музейлар, кутубхоналар ва тадқиқот институтларининг интеллектуал салоҳиятини бирлаштирувчи глобал ҳамкорлиқнинг янги

босқичи деб баҳолаймиз ва бу борада кўшма ҳаракатлар дастури қабул қилинишига умид билдира-миз.

Ўзбекистон халқаро ҳамкорлар билан амалга оширилаётган кўшма лойиҳа ва ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доимо тайёр. Бунинг учун Ислom цивилизацияси марказида фундаментал илмий тадқиқотлар ўтказиш, халқаро форум ва конференциялар ташкил этиш, кўшма нашрлар тайёрлаш, таълим дастурларини амалга ошириш ҳамда жаҳоннинг етакчи илмий ва маданий марказлари билан кенг қўллама гуманитар ҳамкорлиқни ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган.

Биз илм ва маърифат замонамизнинг энг буюк бирлаштирувчи кучи эканига, унинг бунёдкорлик асоси, тинчлик ва барқарор тараққиётнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб қолишига қатъий ишонамиз ва барчангизни шу эзгу мақсад йўлида ҳамкорликка чақирамиз!

Мухтарам дўстлар! Сизлар форум доирасида Самарқанд ва Термиз сингари тарихий шаҳарларимизда буюк аждодларимизнинг илмий меросига бағишланган анжуманларда иштирок этар экансиз, юртимизда диний-маърифий қадриятларни тиклаш ва асраш, тинчлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш, умуман, Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишларимиз билан яқиндан танишасиз. Меҳнаткаш ва меҳмондўст халқимиз вакиллари билан бўладиган самимий учрашув ҳамда мулоқотлар сизларни янги илмий тадқиқотлар ва бадий асарлар, маданий-гуманитар лойиҳалар яратишга илҳомлантиради, деб ишонаман.

Сизларни яна бир бор чин қалбдан қўллаб, барчангизга сўҳат-саломатлик, шарафли фаолиятингизга ривож, форум ишига эса муваффақият тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ФАОЛИЯТ



ЎЗБЕКИСТОН КИМЁ САНОАТИ:

ЮКСАЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Соҳада Тошкент кимё-технология институтининг ўрни

Кимё саноати иқтисодийётнинг таянч тармоқларидан бири ҳисобланади. Унинг маҳсулотлари қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат саноати, қурилиш, энергетика, транспорт, тиббиёт, электроника ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳаларида кенг қўлланилади. Жаҳон кимё саноати бозори бир неча триллион долларга баҳоланади ва унинг ўсиш суръатлари саноатнинг ўртача ўсиш кўрсаткичларидан юқори бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон учун мазкур тармоқ ўзининг бой хомашё базаси туфайли алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, шу билан бирга кенг қўлламли модернизацияни талаб қилади.

Соҳанинг катта салоҳиятига қарамасдан, кимё комплекси узоқ йиллар давомида мамлакат саноатининг бошқа тармоқларига нисбатан секин ривожланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2026 йил 2 июнь куни ўтказилган кимё саноатини жадал ривожлантиришга бағишланган йй-ғилиш маълумотларига кўра, сўнгги тўққиз йилда мамлакат саноати ўртача йиллик 6,3 фоизга ўсган бўлса, кимё саноатида мазкур кўрсаткич 3 фoиздан камни ташкил этган. Шу давр мобайнида тармоққа 8,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб қилинган, 87 та йирик ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилган ҳамда кўпиртирилган полипропилен, BOPP – плёнка ва “яшил” водород каби 60 дан ортиқ юқори технологик маҳсулот турлари ўзлаштирилган.

Бирок кимёвий маҳсулотлар импорти қарийб тўрт баробар oшиб, йилгига 4,1-4,5 миллиард АҚШ долларига етган.

2-6

ЎЗЛИК


Биз билган ва билмаган

ТЕМУРБЕК

Яқинда “Маънавият” нашриётида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг “Темурбек” тарихий қиссаси катта ададда нашрдан чиқди. Китобда Буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг болалиги ва ёшлик даврлари ёритилган. Китоб Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази ҳамкорлигида кўркам муқовада chop этилди; яъни безаклари эса сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланилган ҳолда яратилди.

Мудофаа вазирлиги, Темурийлар тарихи давлат музейи, Рақамли технологиялар вазирлигининг АТ зали ва Алишер Навоий номидagi Миллий кутубхонада “Темурбек” тарихий қиссасининг қизгин тақдиротлари ўтказилди ва бу тадбирлар изчил давом этмоқда. Китоб режали равишда республика мактабларига тарқатилди.

Президентимиз Темурбеклар мактабининг мухташам биноси очи-лишида сўзлаган нутқида Соҳибқирон Амир Темур бoбoмиз шахсининг миллат учун буюк аҳамияти ҳақида тўхталиб, шундай деган эди-лар: “Амир Темур бoбoмизнинг



ёшлигини ким билади? Беруний, Имом Бухорий, Хоразмий ҳақида гапиримиз, баралла ҳаммага шундай алломалар юртидан эканимизни айтамиз, лекин тарихини биласанми, деса, фақат “буюк бўлган” дея оламиз, холос. Ҳозир биз фарзандларимизни ватанпарвар, гурури баланд, ўз тарихини теран биладиган руҳда тарбиялашимиз лoзим”.

Бу жўшқин сўзлар юракларга учкун солди, миллий гурурни уйғотди. Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда ижодий жамoанинг қўллаб-қувватлаши билан муҳтарам адибимиз бу мавзуда узоқ изланишлар олиб борди, манбаларни қайта-қайта кўриб чиқди. Китоб ҳақида машҳур темуршунос олимлар ва ёзувчиларнинг фикрлари олинди ҳамда асар таниқли экспертлар на-

заридан ўтказилди. Натижада Амир Темур ҳақида янги маълумотларни тақдим этувчи тўлақонли, ажойиб асар дунёга келди.

“Биз, — деб ёзди муаллиф, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али “Темурбек” қиссасининг муқаддимасида, — Аллоҳнинг иродаси, давлатимиз раҳбарининг хоҳиши, кўнглимиз бўйруғи, яқин дўстларининг даъвати, азиз ўқувчиларимиз, айниқса, ёшлар, кўпчилик тарихчилар, адабиёт намоёндалари ва зўлиларнинг тақдирлари билан қўлимизга калом олишга жазм этдик. Бизнинг китобимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг болалиги ва ёшлиги ҳақидаги бадий тарихдир”.

КЕМТИК ТАРИХ

Амир Темур — буюк саркарда, халоскор, улкан салтанат асосчиси, адолатли ҳўқмдор, туркий халқлар — “Мулки Турон”нинг жаҳон тарихидаги ўрнини юксакликларга кўтарган даҳо шахс.

Инсоният тарихида ўчмас из қолдирган энг буюк жаҳонгирлар — Александр Македонский (милoddан аввалги IV аср), Юлий Цезарь (милoddан аввалги I аср), Ганибал (милoddан аввалги III аср), Чингизхон (XIII аср) ва Амир Темур (XIV-XV асрлар) бирор марта жангда мағлуб бўлмаган ғoлиблардир.

5-6

ОЧИҚ ГАПЛАР



ТАЙИНЛАШ “ЎЙИН”ГА АЙЛАНМАСИН!

Очиғи, 7-8-синфда ўқиб юрган пайтимдаёқ негадир ўзим ўқиган мактабимга директор бўлишни орзу қилардим. Бу раҳбарликка талпиниш ёки ўқитувчиликка қизиқишдан эмас, балки ўша вақтдаги директоримизга анча “катта шахс”ларнинг ҳам ҳурмат билан қарashi, муҳим тадбирларда у кишининг фикри билан ҳисоблашиши ва энг муҳими, ҳамма учун керакли, ибратли одам бўлганига ҳавас қилганимдан бўлса керак.

Яхши эслайман, туманимизда Ҳожибоев домла деса, энг аввало, ибратли оила раҳбари сифатида ҳамманинг ҳурматини қозонган инсон кўз олдимизга келарди. Директоримизга катта-кичик барча ташкилот раҳбарлари, ҳатто туман ҳокими ҳам алоҳида ҳурмат билан муомала қиларди. Қўл остида ишлайдиган ўқитувчиларни-ку айтмаса ҳам бўлади — улар раҳбарни мактабнинг чинакам отасидек эъ-зозлашарди.

Туманимиздаги тўй-маъракалар, катта байрамлар олдидадан ўтказиладиган ҳашарларда у кишининг иштироки яққол сезиларди. Боиси, нафақат мактаб даврида, балки ундан кейинги вақтларда ҳам мактабимизда ўқиган одамларга панд-насиҳат қилишдан, ўрни келса, дакки беришдан тўхтамас, гўёки бутун умр улар учун масъу-лек тутарди ўзини. Бошқалар ҳам бунинг умуман малол олишмасди. У кишини қишлоқ раисидан кўра ҳурматлироқ даражада бўлган, де-йиш мумкин. Шунда кўрганман устозликнинг ҳаётда отадек улуғланганини.

8-6



ЎЗБЕКИСТОН КИМЁ САНОАТИ:

ЮКСАЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Соҳада Тошкент кимё-технология институтининг ўрни



1-6

Шу муносабат билан умумий қиймати қарийб 17 миллиард АҚШ доллариға тенг бўлган 350 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш ва "Ўзимёсаноат" АЖни институционал трансформация қилиш вазифаси белгиланган. Бу эса тармоқни "газ → ўғит" модели асосидаги ривожланишдан "хомашё — юқори қўшилган қийматли маҳсулот" моделига ўтишини аниқлатади.

РЕСУРС БАЗАСИ: ҲАҚИҚИЙ УСТУНЛИКЛАР ВА ЧЕКЛОВЛАР

Ўзбекистон табиий газнинг йирик захиралари, шунингдек, калий ва фосфорит рудалари, оптингурутли хомашё ҳамда углеводород ресурсларига эга мамлакат ҳисобланади. Кимёвий маҳсулотлар таннархида хомашё ва энергия харажатларининг улуши 40-90 фоизни ташкил этиши мумкинлиги сабабли, миллий ресурслар билан таъминланганлик тармоқ рақобатбардошлигининг муҳим омилли ҳисобланади. Бироқ мамлакатнинг ресурс устуниликларини мутлақ афзаллик сифатида баҳолаш тўғри эмас, чунки ҳар бир ресурс тури муайян иқтисодий ва технологик чекловларга ҳам эга.

ТАБИЙ ГАЗ: УСТУНЛИКДАН ЧЕКЛОВГАЧА

Кўп йиллар давомида арзон табиий газ Ўзбекистон газ-кимё саноати ҳамда азотли ўғитлар ишлаб чиқаришнинг асосий драйвери бўлиб хизмат қилди. Аммо кейинги йилларда вазият тўбдан ўзгарди. Ички истеъмолнинг ортиши натижасида мамлакат табиий газнинг нетто импортчисига айланди. Қиш ойларида газ таъминотидаги босимнинг пасайиши ва тақчиллик ҳолатлари саноат корхоналарини барқарор газ билан таъминлашни қийинлаштирмоқда.

Бугунги кунда мамлакатда тахминан 1,5 миллион тонна аммиакли селитра ишлаб чиқарилиб, бунинг учун қарийб 1,07 миллиард куб метр табиий газ сарфланади. Шу билан бир вақтда ривожланган давлатларда селитрадан босқичма-босқич воз кечилиб, карбамид ва сувда эрийдиган юқори самарали ўғитларга ўтish тенденцияси кузатишмоқда. Шу сабабли арзон газни узоқ мuddатли ва мутлақ рақобат устунилиги сифатида баҳолаш мумкин эмас. Газ-кимё саноатининг самарадорлиги тобора кўпроқ энергия тежамкорлиги ва ресурслардан оқилона фойдаланиш даражасига боғлиқ бўлиб бормоқда.

МИНЕРАЛ ХОМАШЁ: ФОСФОР ЗАИФ БЎҒИН СИФАТИДА

Мавжуд ресурс базаси назарий жиҳатдан минерал ўғитларнинг барча асосий турларини ишлаб чиқариш имконини беради. Азотли ўғитлар табиий газ асосида, калийли ўғитлар калий тузлари конлари негизда, фосфорли ўғитлар эса фосфорит хомашёси ҳисобидан ишлаб чиқарилиши мумкин.

Шу билан бирга, тармоқнинг энг заиф нуқтаси фосфор хомашёси ҳисобланади. Марказий Қизилқум фосфоритлари, асосан, паст навли рудалардан иборат бўлиб, уларни саноатда қўллаш учун қийингабод бойитиш жараёнлари талаб этилади. Бу ҳолат тарихан мамлакатда фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришнинг ривожланишини чеклаб келган. Натижада мазкур маҳсулотларни ишлаб чиқариш қувватлари чекланган бўлиб, қўллаб технология линийалар ҳам модернизацияга муҳтож.

Шу сабабли мамлакатнинг барча турдаги минерал хомашё билан тўлиқ таъминланганлиги ҳақидаги фикрни шартли равишда қабул қилиш мумкин. Амалда Ўзбекистон азотли ўғитлар ва базавий газ-кимё маҳсулотлари бўйича ўз ҳис ресурсларига эга бўлса-да, юқори сифатли фосфат хомашёси бўйича муайян танқислик сақланиб қолмоқда.

АСОСИЙ МУАММО: ХОМАШЁНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЧУҚУРЛИГИНИНГ ЕТАРЛИ ЭМАСЛИГИ

Ўзбекистон кимё саноатининг асосий муаммоси хомашё ресурсларининг етишмаслиги эмас, балки уларни қайта ишлаш чуқурлигининг пастлигидир. Мамлакат табиий газ, оптингурут, фосфатлар ва полимер хомашёсини, асосан, бирламчи ёки иккинчи босқич қайта ишлаш даражасида қайта ишлаб, кейинчалик юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр кимёвий маҳсулотларни импорт қилишга мажбур бўлмоқда.

Хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар экспорти нисбатан паст даромад келтиради ҳамда халқаро бозорлардаги энергия ресурслари нархларининг ўзгаришига юқори даражада боғлиқ бўлади. Аксинча, қайта ишлаш занжирининг кейинги босқичларига ўтиш билан маҳсулотнинг қўшилган қиймати ортиб боради ва корхоналарнинг ташқи конъюнктурага қарамлиги камаяди.

Тармоқ ривожланишини чеклаётган қўшимча омиллардан бири транспорт харажатларининг юқорилигидир. Ўзбекистоннинг денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятининг мавжуд эмаслиги экспорт логистикасини қийинлаштиради ва маҳсулотларнинг узоқ бозорларда рақобатбардошлигини пасайтиради. Шу сабабли мамлакат учун хомашёни чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни, биринчи навбатда, Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Хитойнинг чегарадош ҳудудларига етказиб бериш иқтисодий жиҳатдан мақбул ҳисобланади.

КИМЁВИЙ МАҲСУЛОТЛАР ИМПОРТИНИНГ ТАРКИБИ

Ҳозирги вақтда мамлакатда импорт қилинаётган кимёвий маҳсулотларнинг умумий ҳажми йилга тахминан 4,1-4,5 миллиард АҚШ доллари ташкил этади. Импортининг асосий қисми мамлакатда ҳали етарли даражада ишлаб чиқарилмаётган юқори қўшилган қийматли маҳсулотларга тўғри келади.

Бундай маҳсулотларнинг энг йирик гуруҳи полимерлар ва пластмасса материалларидир. Улар қаторига махсус турдаги полиэтилен ва полипропилен маркалари, инженерлик пластиклари, ABS-пластиклар, полиуретанлар, поликарбонатлар, ПЭТ-гранула-лар, полимер компаундлар ва синтетик каучуклар ки-ради.

Агрокимё соҳасида гербицидлар, инсектицидлар, фунгицидлар, уруғлик протравителлар, биостимуляторлар, микроэлементли ва хелатли ўғитлар ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари учун фаол моддалар импорт қилинади.

Маиший кимё сегментида кир ювиш воситалари, шампунлар, геллар, тиш пасталари, гигиена воситалари, тозаловчи ва дезинфекцияловчи маҳсулотлар усту-нлик қилади.

Лак-бўёқ маҳсулотлари ва қурилиш кимёси соҳасида саноат бўёқлари, қуқунли қопламалар, эпоксид ва полиуретан тизимлари, герметиклар, елимлар, гидроизоляция материаллари ва турли қурилиш қўшимчалари импорт қилинади.

Тўқимачилик кимёси таркибида реактив ва дисперс бўёқлар, оқартирувчилар, аппретлар, силикон қўшимчалари ҳамда бўяш жараёни учун махсус реагентлар муҳим ўрин тутади.

Фармацевтика саноати учун турли субстанциялар ("API"), синтетиз оралик маҳсулотлари, тиббий ва лаборатория реагентлари четдан олиб келинади.

Энг юқори қўшилган қийматга эга сегмент махсус саноат

кимёси ҳисобланади. Бу тоифага катализаторлар, флотация реагентлари, коррозия ингибиторлари, бургилаш реагентлари ҳамда турли функционал қўшимчалар ки-ради.

Ноорганик кимё маҳсулотлари орасида каустик сода, калий гидроксиди, пероксидлар, карбидлар, титан диоксиди, юқори тозаликдаги фосфатлар ва пигментларнинг айрим турлари импорт қилинади.

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСИШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ

Эксперт баҳоларига кўра, Ўзбекистонда импорт ўрнини босиш бўйича энг катта салоҳият қуйидаги соҳаларда мавжуд:

Йўналиш	Салоҳият, млн АҚШ доллари
Полимерларни чуқур қайта ишлаш	700-900
Агрокимё ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари	500-700
Кончиллик ва нефть-газ соҳаси учун махсус реагентлар	300-500
Маиший кимё маҳсулотлари	300-500
Қурилиш кимёси	250-400
Тўқимачилик кимёси ва бўёқлар	200-350
Фармацевтик субстанциялар	200-400

Ушбу йўналишларнинг аксарияти мамлакатда мавжуд хомашё базаси, шаклланган саноат инфратузилмаси ва ички бозор эҳтиёжларига таянади. Шу сабабли улар импорт ўрнини босиш ва экспорт салоҳиятини ошириш нуқтаи назаридан стратегик аҳамият касб этади.

КИМЁ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЧЕКЛОВЛАР

Ўзбекистон кимё саноатида мавжуд табиий ресурслар ва ишлаб чиқариш салоҳияти узоқ вақт давомида юқори рақобатбардош маҳсулотларга тўлиқ айлантирилмади. Бу ҳолатнинг асосий сабаби ресурслар етишмаслиги эмас, балки институционал муҳитнинг етарли даражада самарали шаклланимаганлиги билан изоҳланади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, соҳада арзон хомашё ва энергия ресурсларидан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган шaroитда ҳам экспорт кўрсаткичлари ва маҳсулотлар диверсификацияси қутилган даражага етмаган. Бу эса муаммо ресурслар ҳажмида эмас, балки улардан фойдаланиш самарадорлигида эканлигини кўрсатади.

Кўп йиллар давомида тармоқни бошқариш тизимида давлатнинг тартибга солувчи функциялари билан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг функциялари ўзаро аралашиб кетган эди. Бир томондан, давлат соҳани тартибга солувчи орган сифатида иштирок этган бўлса, иккинчи томондан, йирик ишлаб чиқариш активларининг асосий қисми ҳам давлат назоратида сақланиб қолган. Бу ҳолат бозор механизмларининг тўлиқ ишлашига тўсқинлик қилиб, хусусий сектор иштирокини чеклаб қолди.

Натижада рақобат муҳити етарлича шаклланмади, инвестицияларни жалб қилиш имкониятлари чекланди ва корхоналарни модернизация қилиш учун иқтисодий рағбатлар сусайди. Маъмурий нарх белгилаш амалиёти, айрим ресурслар бўйича имтиёзли тақсимот ва ўзаро субсидиялаш механизмлари бозорда нархлар номунаосиблигини келтириб чиқарди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, "Ўзимёсаноат" акциядорлик жамиятини трансформация қилиш вазифаси тармоқ ривожланишининг ҳал қилувчи босқичларидан бири ҳисобланади. Бу жараён давлатнинг тартибга солувчи функцияларини ишлаб чиқариш фаолиятидан ажратиш, корпоратив бошқарувнинг халқаро стандартларини жорий этиш ва бозор иқтисодиёти тамоийилларини чуқурлаштиришга қаратилган.

Тармоқнинг барқарор ривожланиши учун ҳуқуқий ва институционал муҳитнинг шаффофлиги алоҳида аҳамият касб этади. Инвесторлар учун тушунарли ва прогност қилинадиган норматив-ҳуқуқий база, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари, давлат-хусусий шериклик механизмларининг ривожланганлиги ҳамда хусусийлаштириш жараёнларининг очиклиги соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини оширади.

Шу билан бирга, замонавий стандартлаштириш ва сертификатлаштириш инфратузилмасини шакллантириш, тармоқ статистикасининг ишончлилигини таъминлаш ва соҳавий уюшмалар фаолиятини ривожлантириш ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади. Айнан шу институционал ислохотлар кимё саноатининг технологик модернизацияси учун зарур шароитларни яратиб беради.

МАВЖУД ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

Ўзбекистон кимё саноатининг асосий ишлаб чиқариш қувватлари XX асрнинг 1940-1960 йилларида шаклланган бўлиб, уларнинг аксарияти табиий газни қайта ишлаш ва азотли ўғитлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Бугунги кунда тармоқнинг таянч корхоналари қаторига "Навои-йазот" АЖ, "МАХАМ-Чирчиқ", "Фаргонаазот", Кўнғирот сода заводи, Деҳқонбод калий ўғитлари заводи ҳамда "Indogama Kokand Fertilizers" каби корхоналар ки-ради. Газ-кимё соҳасида эса Шўртан газ-кимё мажмуаси ва "Uzbekistan GTL" комплекси мамлакатнинг стратегик аҳамиятга эга ишлаб чиқариш объектлари ҳисобланади.

Мазкур корхоналар мамлакатнинг минерал ўғитларга бўлган ички эҳтиёжини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга улар кимё маҳсулотлари экспортининг асосий қисmini ҳам шакллантиради.

Бироқ соҳадаги кўплаб ишлаб чиқариш қувватлари маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган. Бу ҳолат энергия сарфининг юқорилигига, ишлаб чиқариш харажатларининг ортишига ҳамда меҳнат унмдорлигининг пасайишига олиб келимоқда.

Кўплаб ҳолатларда муаммони ҳал қилишнинг энг самарали йўли янги завод қуриш эмас, балки мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ҳисобланади. Чунки мавжуд корхоналар муҳандислик-коммуникация тармоқлари, транспорт инфратузилмаси ва тайёр ишлаб чиқариш майдонларига эга. Бу эса инвестиция харажатларини қисқартириш ва лойиҳаларни амалга ошириш мuddатларини тезлаштириш имконини беради.

Шу билан бирга, тармоқда хусусий сектор иштироки ҳам тобора ортиб бормоқда. Айниқса, лак-бўёқ маҳсулотлари, полимер буюмлар, қурилиш материаллари, изоляция маҳсулотлари, автомобиль бутловчи қисмлари ва маиший кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида хусусий компаниялар фаолияти кенгаймоқда.

Хусусий капитал иштирокининг ўсиши рақобат муҳитини қучайтириш, инновацияларни қучайтириш, қўшилган қийматни ошириш ва юқори технологияли маҳсулотлар экспортини кенгайтириш имконини беради.

МАҲСУЛОТЛАР ТУРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ЧУҚУР ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистон кимё саноатини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегик мақсади хомашё экспорт қилувчи иқтисодиёт моделидан юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи саноат моделига ўтишдан иборат. Бугунги кунда тармоқ асосан "газ - ўғит" занжирига таянаётган бўлса, келгусида "хомашё - базавий кимё - оралик маҳсулот - тайёр маҳсулот" занжирини шакллантириш устувор вазифага айланмоқда.

Мамлакатдаги табиий газ, азотли ва фосфорли хомашё, калий тузлари, оптингурут, каолин ва углеводород ресурслари ушбу мақсадни амалга ошириш учун мустақкам ресурс базасини яратди. Ушбу ресурслар негизда ўзаро боғлиқ бўлган оплита асосий ривожланиш йўналишини шакллантириш мумкин.

ЧУҚУР ГАЗ-КИМЁ ВА НЕФТЬ-КИМЁ МАҲСУЛОТЛАРИ

Энг юқори иқтисодий самара берувчи йўналишлардан бири табиий газни чуқур қайта ишлаш ҳисобланади. Бу соҳада метанол ва унинг ҳосилалари, формальдегид смолалари, меламина, метилтрет-бутил эфир (МТВЭ), полипропилен, полиэтилен, акрил кислотаси, суперабсорбентлар, поливинилхлорид (ПВХ), полиоллар ва бошқа юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бир тонна табиий газдан олиннадиган қўшилган қиймат метанол ва полимер маҳсулотлар ишлаб чиқариш босқичларида бир неча баробар ортиб боради. Шу сабабли келажакда экспорт таркибида хомашё улушини қисқартириб, юқори технологик полимер маҳсулотлар улушини ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ

Ўзбекистонда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш аънавий равишда азотли ўғитларга ихтисослашган. Бироқ замонавий агротехнологиялар сувда эрийдиган, микроэлементли, хелатли ва махсус мақсадли ўғитларга бўлган талабни жадал оширмоқда.

Шу муносабат билан карбамид, "NPK"-комплекс ўғитлар, сувда тўлиқ эрийдиган ўғитлар, томчилатиб сугориш тизимлари учун махсус композициялар, гидропоника маҳсулотлари ҳамда богдорчилик ва иссиқхона ҳўжаликлари учун юқори самарали ўғитлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Бу нафақат ички бозор эҳтиёжларини таъминлаш, балки Марказий Осиё давлатларига экспорт ҳажмини ошириш имконини ҳам яратади.

ПОЛИМЕРЛАРНИ ЧУҚУР ҚАЙТА ИШЛАШ

Полимерлар ишлаб чиқаришдан кўра уларни чуқур қайта ишлаш иқтисодий жиҳатдан анча юқори даромад келтиради. Шу сабабли полимер гранулалар экспортдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу соҳада қувурлар, фитинглар, қишлоқ ҳўжалиги плёнкалари, геомембраналар, иссиқхона материаллари, кабель изоляцияси, қурилиш профиллари, қоплаш материаллари, қадоқлаш маҳсулотлари ва турли композит материаллар ишлаб чиқариш истиқболли йўналишлар ҳисобланади.

Мазкур сегмент мамлакатда импорт ўрнини босиш бўйича энг катта иқтисодий салоҳиятга эга соҳалардан бири ҳисобланади.

ҚУРИЛИШ КИМЁСИ

Сўнгги йилларда мамлакатда қурилиш соҳасининг жадал ривожланиши қурилиш кимёси маҳсулотларига бўлган талабни кескин оширди.

Қуруқ аралашмалар, плитка елимлари, гидроизоляция материаллари, герметиклар, бетон қўшимчалари, пластфикаторлар, фасад тизимлари, иссиқлик изоляцияси материаллари, саноат бўёқлари ва антикоррозия қопламалар ички бозорда юқори талабга эга маҳсулотлар ҳисобланади.

Маҳаллий хомашёдан фойдаланган ҳолда ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш импорт ҳажмини қисқартириш ва қурилиш индустрияси рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

МАИШИЙ ВА САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА КИМЁСИ

Аҳоли даромадларининг ўсиши ва урбанизация жараёнлари маиший кимё маҳсулотлари бозорининг кенгайишига олиб келмоқда.

Кир ювиш воситалари, шампунлар, суяқ совунлар, идиш ювиш воситалари, дезинфекцияловчи воситалар, косметик маҳсулотлар, тиббиёт ва озиқ-овқат саноати учун махсус тозалаш воситалари мамлакатда кенг талаб қилинаётган маҳсулотлар ҳисобланади.

Ушбу соҳада кичик ва ўрта бизнес субъектлари иштирокини кенгайтириш орақли тез натижага эришиш мумкин.

ЯНГИ АВЛОД АГРОКИМЁ МАҲСУЛОТЛАРИ

Замонавий қишлоқ ҳўжалиги юқори самарали агрокимёвий маҳсулотлардан фойдаланишни талаб қилмоқда.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, биостимуляторлар, ўсиш регуляторлари, сорбентлар, фертигация препаратлари, агроплёнкалар ва томчилатиб сугориш материаллари ушбу йўналишнинг асосий маҳсулотлари ҳисобланади.

Агар секторнинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятини ҳисобга олганда мазкур сегмент келгусида кимё саноатининг энг тез ўсувчи тармоқларидан бири бўлиши қутилмоқда.

2030 ЙИЛГАЧА БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАДЛИ КўРСАТКИЧЛАР

Давлат дастурларига мувофиқ 2030 йилга қадар:

- азотли ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2,8 млн тоннадан 4 млн тоннага;
- фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариши 400 минг тоннадан 900 минг тоннага;
- сувда эрийдиган ўғитлар ишлаб чиқариши 100 минг тоннадан 400 минг тоннага етказиш режалаштирилган.

Бу мақсадларга эришиш учун яқин йилларда умумий қиймати 2,8 миллиард АҚШ доллариға тенг бўлган 42 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Умуман олганда, тармоқ ривожланишининг энг самарали модели йирик кимё корхоналари атрофида хомашёни чуқур қайта ишлаш кластерларини шакллантиришдан иборат. Бундай ёндашув саноат кооперациясини қучайтириш, қўшилган қийматни ошириш ва юқори технологияли маҳсулотлар экспортини кенгайтириш имконини беради.

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДАН МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИ МАРКАЗИГАЧА

Ўзбекистон кимё саноати олдида турган стратегик вазифаларни амалга ошириш нафақат инвестициялар ва замонавий технологияларни, балки юқори малакали инсон капиталини ҳам талаб қилади. Шу нуқтаи назардан Тошкент кимё-технология институти мамлакатнинг кимё саноати учун кадрлар тайёрловчи аънавий олий таълим муассасаси мақомидан миллий инновацион ривожланиш марказига айланиши лозим.

2026 йилдан бошлаб мамлакатда амалга оширилаётган янги ёндашувга мувофиқ, соҳага ихтисослашган олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари аниқ инвестиция лойиҳаларига бириктирилмоқда. Бу эса таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янги босқичга олиб чиқиш имконини яратмоқда.

Тошкент кимё-технология институти учун энг мақбул ривожланиш модели қуйидаги инновацион занжир асосида шаклланиши мумкин:

"Университет - Илмий лаборатория - Пилот қурилма - "Spin-off" компания - Саноат корхонаси"

Мазкур ёндашув институтда яратилган илмий натижаларни тўғридан-тўғри иқтисодиётга жорий этиш имконини беради ҳамда институтнинг "Research University" моделига трансформациясини таъминлайди.

ИККИ ХИЛ, АММО ЎЗАРО БОҒЛИҚ МИССИЯ

Тошкент кимё-технология институти олдида турган вазифаларни шартли равишда икки катта йўналишга ажратиш мумкин.

Биринчи йўналиш импорт ўрнини босиш ва кичик инновацион корхоналарни ривожлантириш билан боғлиқ. Бу йўналишда асосий эътибор тайёр формуляциялар, аралаштириш технологиялари, маиший кимё маҳсулотлари, агрокимё воситалари ва қурилиш кимёси маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилади.

Иккинчи йўналиш эса фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларга асосланган юқори технологияли маҳсулотлар яратиш билан боғлиқ. Бу махсус кимё, биотехнология, нанокимё, рақамли кимё технологиялари ва "Кимё 4.0" соҳаларини қамраб олади.

Ушбу икки миссия бир-бирини тўлдиришига қарамадан, уларнинг бошқарув механизми, молиялаштириш манбалари ва баҳолаш мезонлари турлича бўлиши лозим.

Биринчи йўналишнинг натижаси янги иш ўринлари ва кичик бизнес субъектлари бўлса, иккинчи йўналишнинг натижаси патентлар, лицензиялар, юқори рейтингли илмий мақолалар ва юқори технологияли стартаплар ҳисобланади.

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСИШГА ҚАРАТИЛГАН КИЧИК КИМЁ ИШЛАБ ЧИҚАРИШЛАРИ ДАСТУРИ

Ўзбекистон шaroитида қисқа мuddатда юқори иқтисодий самарага эришишнинг энг мақбул йўли катта заводлар яратиш эмас, балки йирик саноат корхоналари атрофида кичик ва ўрта кимё ишлаб чиқаришлари экотизимини шакллантириш ҳисобланади.

Бундай корхоналарнинг инвестиция ҳажми, одатда, 0,5-10 миллион АҚШ доллари ташкил этади ва уларнинг аксарияти 1-3 йил ичида ўзини оқлаши мумкин.

Тошкент кимё-технология институти ҳузурида ташкил этиладиган "100 кимёвий стартап" дастури қуйидаги еттига кластер асосида шакллантирилиши мумкин.

ЭЪТИРОМ

Бу воқеага ҳам икки йил бўлибди. Ушанда иждодкор дўстимиз билан тасодифан Олмалиқ кон-металлургия комбинати ташкил топганининг 75 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган тантана кунига бориб қолгандик. Иш режаси нақадар тигиз бўлишига қарамай, комбинат раҳбари бизни қабул қилишга вақт ажратган эди. Тантана муносабати билан бир гуруҳ ишчи-хизматчиларни тақдирлаш маросими ҳечам ёдимдан чиқмайди. Унда комбинатнинг асосан энг оддий касб эгалари: фаррошлар, қоровуллар, боғбонлар, сартарошлар ва бошқа ишчилар тақдирланган эди. Номлари эълон қилинганда даврага чиққанларнинг ҳар бирига Абдулла Хурсанов алоҳида илиқ сўзлар билан қимматбаҳо совғалар топширганди. Мукофот олганларнинг қувончдан порлаган юзлари ҳалиям ёдимда. Ушанда Абдулла Хурсановнинг оддий одамларга жудаям меҳрибон эканига гувоҳ бўлгандик.

Ўтган ҳафта яна Олмалиққа йўлимиз тушди. Қўлогимизга чалинган яхши хабарлардан бири шу бўлдики, нафақат ушбу шаҳардаги, балки мамлакатимиздаги энг обрўли, салохиятли қорхоналардан бири ҳисобланган Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг раҳбари Абдулла ака шу кунларда қўтлуг ёшни қарши олаётган экан. Шу боис тиниб-тинчимас ва изланувчан раҳбарни яқиндан билган инсонлар билан суҳбатлашишни жоиз деб билдик. Негаки, Абдулла Хурсанов раҳбарлик қилаётган кейинги саккиз йил Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг янги тарихи яратилган давр бўлди десак хато бўлмаса керак. Албатта, бу юксалиш пиллапоялари муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси, кўмаги ҳамда гоғалари асосида рўёбга чиқарилмоқда. Ана шундай улкан ишларни амалга оширишда қорхона етакчисининг заҳмати, меҳнати ва фидойилигини ҳам эътироф этмак жоиз. Зеро, комбинатда амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳалари, янги фабрика ва ишлаб чиқариш қувватларининг қурилиши мамлакат саноати тараққиётида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Яна бир қувончли томони шунки, комбинат билан Олмалиқ шаҳрининг ривожи бир-бирига ҳамоҳанг тус олган.

...Олмалиқ шаҳри кўзимга жуда файзли кўрилади. Янги боғлар, хиёбонлар, яшил ҳудудлар ва гулзорлар шаҳар кўркига кўрк қўшган. Йирик саноат объектлари атрофида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, металл конструкциялар тайёрлаш, хизмат кўрсатиш ва логистика соҳаларида ўнлаб янги қорхоналар ташкил этилибди. Кейинги йилларда шаҳарда янги таълим муассасалари, болалар боғчалари, тиббиёт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилибди. Бу хайри ишлар натижасида минглаб янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли бандлиги янада ошди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривож топиб, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари кенгаймоқда. Биш гувоҳ бўлиб турган улкан ўзгаришлар шиддати, албатта, комбинат раҳбари Абдулла Хурсановнинг ҳам фидойи ва ватанпарвар мутахассис сифатида янги Ўзбекистонимиз иқтисодий тараққиёти йўлидаги жонқуярлигига боғлиқ эканига амин бўласиз.

“Инсон қадри устувор” дея балиндпарвоз шорларини айтиб юрганлар қанча, аммо амалда бу таъмоийлини сидқидилдан улуглаб, шу мақсадда шикоят кўрсатиш осон эмас. Қаҳрамонимиз ана шундай улуг эътиқод билан яшаётган, салкам қирқ минг кишилик жамоа ахлини ҳаётдан рози қилишни, уларнинг қалбидagi эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқаришни ўзин учун улкан шараф ва масъулият деб биладиган раҳбарлар сирасига киради.

Замон зайли шиддат билан ўзгариб бораётир. Одамларнинг тинмай ортиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини мунтазам қондириб бориш ҳамда қорхонани замон талабларига мос равишда ривожлантириш раҳбар зиммасидаги масъулиятли вазифадир.

Маълуфки, Олмалиқ кон-металлургия комбинати мамлакатимиз иқтисодий қудратининг муҳим таянчларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда комбинат нафақат қимматбаҳо металлларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида, балки замонавий технологияларни жорий этиш ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида ҳам етакчи қорхоналардан биридир. Ўртбoшимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг бой табиий ресурсларини ўзлаштириш иқтисодийтимизни ривожлантиришда катта имкониятлар яратади.

— Биз табиий бойликларни ўзлаштириш учун

йирик инвестицияларни жалб этиш масаласига устувор аҳамият бермоқдамиз, — дейди Абдулла Хурсанов.

Ҳикматли каломларда айтилганидек: “Ер кўйи-нидаги барча хазиналар юзга чиқади. Умматларимни дунё бойлиги босмай”.

Ҳа, бугун шундай неъматларга бой замон келди!

Олмалиқ кон-металлургия комбинати фаолияти кун сайин ривожланиб бораётгани боис дунё ҳамжамияти эътиборига тушмоқда. Қаранг, 2026 йилнинг биринчи ярмида комбинатда шундай қувончли воқеалар содир бўлди:

— Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида 3-мис бойитиш фабрикаси ишга туширилди.

— Мудофаа вазирлиги Тошфаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигининг Олмалиқ шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмида, ОКМК ҳомилийида замонавий инфратузилмага эга янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди.

— Афғонистон Тоғ-кон саноати ва нефть вазирлигининг техник делегацияси ҳамда “Elsewedy Electric Group” компанияси вакиллари ОКМКда бўлишди.

— ОКМКга Бирлашган Араб Амирликларининг “2PointZero” компанияси вакиллари ташриф буюрди.

— Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фаёқуллода ва Мухтор элчиси Алексей Ерхов ҳамда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Савдо ваколатхонаси вакилларида иборат делегация ОКМКга ташриф буюрди.

— “Қалмоққир” кон бошқармасида рақамлаштиришнинг иккинчи босқичи старт олди.

— Чехиянинг нуфузли компаниялари вакиллари ОКМКга ташриф буюрди.

— ОКМКга Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчхонаси масъул ходимлари ва “World Learning” ташкилоти мутахассислари ташриф буюрди.

— Халқаро “Sustainable Fitch” агентлиги Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг барқарор ривожланиш рейтингини (Entity Rating) “3” даражасида тасдиқлади ва компаниянинг умумий баҳолаш мезонини (entity score) 56 баллдан 59 баллга оширди.

— Ангерен шаҳридаги Мирзо Улуғбек маҳалласида жойлашган, ОКМК ҳомилийида замонавий қиёфага келтирилган “Янги Ангерен” маданият ва спорт мажмуаси очилди.

— Беларусь Республикасининг Ўзбекистондаги Фаёқуллода ва Мухтор элчиси Александр Огородников бошчилигидаги делегация комбинат фаолияти билан яқиндан танишди.

— “Очиқлик индекси – 2025”да ОКМК фаолияти юқори баҳоланди.

— ОКМКга Венгриянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фаёқуллода ва Мухтор элчиси Йожеф Рожа бошчилигидаги делегация аъзолари ташриф буюрди.

— Жорий йилнинг 10 май ҳолатига кўра, 3-мис бойитиш фабрикасида 2 миллион тонна маъдан қайта ишланиб, 30 минг тоннадан ортқ мис концентрати олинди.

— Хитойнинг “NerIn Engineering” компанияси ва Экспорт-импорт банки вакиллари ОКМКда бўлишди.

— “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖнинг кредит рейтингини бўйича ҳисоботига кўра, комбинатнинг кредит рейтингини “Барқарор” прогнози билан “BB” даражасида тасдиқланди.

— Хитой Халқ Республикаси ва Италиянинг нуфузли университетлари вакиллари, хусусан, дунёга машҳур Пиза университети ҳамда Ченду технология университети, Геология фанлари университети экспертларидан иборат нуфузли делегация ташриф буюрди.

— Хитой тоғ-кон саноатининг энг йирик ва нуфузли компанияларидан ҳисобланган “China Nonferrous Metal Industry’s Foreign Engineering and Construction Co., Ltd.” (NFC) вакиллари ташриф буюришди.

— Тошкент халқаро инвестиция форуми дои-

расида “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ ҳамда Хитой Халқ Республикасининг “China Nonferrous Metal Industry’s Foreign Engineering and Construction Co., Ltd.” (NFC) компанияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

— Тошкент халқаро инвестиция форумида эришилган келишувларга мувофиқ, Польшанинг нуфузли “APS Energia-AMMC” қўшма қорхонасини ташкил этиш бўйича таъсис ҳужжатлари расман имзоланди.

— Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ ҳамда Миср Араб Республикасининг энергетика ва инфратузилма соҳасидаги йирик қорхонаси — “Elsewedy Electric” компанияси ўртасида ўзаро анилашув меморандуми имзоланди.

— V Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида “Олмалиқ КМК” АЖ ҳамда Дания Экспорт-инвестиция фонди (ЕИФО) ўртасида ўзаро анилашув меморандуми имзоланди.

— Олмалиқ кон-металлургия комбинатида Нидерландия Қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги Фаёқуллода ва Мухтор элчиси Нико Схермерс бошчилигидаги йирик ишбилармон доиралари вакиллари ташриф буюрди.

— Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида пойтахтимизда Америка Қўшма Штатларининг етакчи илмий-тадқиқот олийгоҳларидан бири — Юта университети (“University of Utah”) билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида уч томонлама анилашув меморандуми имзоланди.

...Журналист сифатида кузатганларимга асосланиб, ҳавас билан шуни айта оламаники, Абдулла Хурсановнинг оддий инсонлар билан мулоқотга очиқлиги, кекса нуронийларга ҳурмат, хотин-қизлар ва ёшларга ғамхўрлиги, зориққан оилалар қўлидан хабар олиши, ижтимоий лойиҳаларга хайрхоҳлиги ва хайрия тadbирларидаги фаол иштироки, саҳий қалблиги эҳтиромга арзигulik фазилатлардир.

Ўтган йиллар давомида Олмалиқ кон-металлургия комбинати жонқуярлари ҳақида кўп-лаб очерк ва мақолалар ёзганман. Яхшилик ва инсонпарварлик руҳи билан фаолият олиб боришга одатланган бошқарув раисининг эзгу ишлари, хайри ташаббуслари, турмуш шароити ноқор оилаларга, оғир касаллик билан курашаётган дардмандларга моддий ёрдамлари ва бошқа инсонийлик фазилатлари ҳусусида ёзмоқчи бўлсам, ҳар гал у киши камтаринлик қилиб, изн бермайди. Ҳақиқий раҳбарлик фақат ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ёки иқтисодий натижалар билан эмас, балки инсонларга бўлган муносабат, уларнинг дардига малҳам бўлиш, муаммоларини ҳал қилишга бажонидил интилиши билан ҳам баҳоланади. Англашмаса, унинг наздида қилинган яхшиликларни матбуотда ёзиш миннатга айланиб қолади. Бу эҳтимол тўғридир, аммо яна бир жиҳати ҳам бор: бир инсоннинг саховати намуна бўлиб, бошқалар ундан ибрат ва илҳом олса, қандай яхши!

— Ҳар бир ходимнинг маънавияти юксак, тарбия-эътиқоди мустаҳкам, Ватанга садоқати кучли бўлса, унинг меҳнатга муносабати, масъулияти ва иш самарадорлиги юқори бўлади, — деган эди суҳбатларнинг бирида Абдулла Хурсанов. — Шу боисдан комбинатимизда маънавий-маърифий тарғибот ишларини самарали ташкил этиш, маданий тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, маънавий муҳит софлигини таъминлаш ва китобхонлиқни ривожлантириш масалаларига доимий эътибор қаратамиз. Меҳнат жамоаларида ёзувчилар, шоирлар, олимлар, маданият ва санъат намояндалари билан ўрашувлар, китоб тақдиротлари, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган фильмлар намойишлари, театр ва санъат ахли билан ижодий мулоқотлар мунтазам ташкил этиб келинмоқда. Албатта, иқтисодий тараққиёт ва маънавий юксалиш бир-бирини тўлдирувчи воситалардир.

— Тақдир йўлларида инсонни синайдиган дамлар қўл. Лекин ана шу синовлардан бошини балинд кўтариб ўта олганларгина тарихда из қолдиради, — деди унинг устозларидан бири — На-



вой кон-металлургия комбинати Инвестициялар департаменти бошлиги Неъмат ака Рўзиев. — Бугун мамлакатимиз саноати тараққиёти ҳақида сўз кетганда, “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Абдулла Хурсанов номи беҳитиёр тилга олинади. У Ўзбекистон қурилиш саноати ҳамда кон-металлургияси тарихида ўзига хос ўринга эга.

Бундан қирқ йил аввал Тошкент архитектура ва қурилиш институтида “Темир-бетон” кафедраси mudiri сифатида ёш мутахассисларга дарс бериб юрган пайтларимда Абдулла Хурсановни таниганман. У билан кўп ҳамкорлик қилдик. ОКМК бош директори бўлганида у билан биргаликда ишлаш насиб этди. Уша даврда Сурхондарёда жойлашган “Хондиза” фабрикаси қуриладиган жой танланиши, зарур техника ва воситаларнинг ўрнатилиши, умуман, муҳташам заводнинг бунёд этилиши ва ҳукумат рухсатининг олиншида кўп-лаб тажрибали соҳа эгалари ёнида Абдуллажондек ёш ва серғайрат мутахассисларнинг ҳиссаси катта бўлган.

Тақдир тақозоси билан мен Абдулла Хурсанов билан бирга 2012-2017 йилларда Навоий кон-металлургия комбинатида Инвестициялар департаменти бошлиги вазифасида ишлаб, бир қанча йирик лойиҳалар амалга оширилишида бош-қош бўлдик. Шукрки, Абдуллажон билан биргаликда қандай ишга қўл урган бўлмайлик, уларнинг ҳар бири муваффақиятли якунланиб, минг-минглаб инсонларнинг иш билан таъминланишига ва мамлакат иқтисодий ривожига ҳисса қўша олдик.

Бир сўз билан айтганда, у ўз тақдири мисолида, бир инсон иродасига таянган ҳолда бутун жамиятга татигулик муъжиза яратга олишини исбот этди олди. Олтин мисоли тобланган бу умр — синовлар билан пишган, тажриба билан чархланган, ирода билан мустаҳкамлангандир. Кон ва металлургиядек оғир соҳада йиллар давомида меҳнат қилиш, минглаб мутахассислар ишончини қозониш, улкан саноат лойиҳаларига бош-қош бўлиш — бу ҳар қимга ҳам насиб этавермайди.

— Абдулла Хурсанов билан 1987 йили Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги Белтепа маҳалласида қурилиш жараёнида танишганман, — деди бошқарув раисининг қурилиш бўйича маслаҳатчиси Қилич Исмоилов. — Шундан бери ишда ҳамкор, ҳаётда содиқ дўстимиз. Тоғ-кон саноатида жуда кучли мутахассис. Сабр-тоқатли,

ўз устида тинимсиз ишлайдиган, масъулиятни зиммасига олишдан қочмайдиган инсон. Илмни қадрлайдиган, катта лойиҳаларга қўл уришдан қўчимайдиган олим. Дўстининг мусибатини ўзиники деб биладиган, кўл остидагиларга худди жиғарларидек қайғурадиган инсон. “Йўқ” деган нарсани билмайди. Кўп сафарларга бирга борганмиз, ажойиб ҳамроҳ.

Яхши инсонлар баҳонасида бошқа яхши инсонлар билан учрашар экансан. Бу ҳам Ўратганининг инояти. Ана шундай ҳурмат-эътиборли кишилардан бири, таниқли тадбиркор — “Ўзметкомбинат” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Баҳодир Абдуллаев билан учрашиб, Абдулла Хурсанов ҳақида сўрадик.

— Абдулла Хурсанов ноёб иқтидор эгаси, — деди Баҳодир Абдуллаев. — Унинг ватанпарварлиги, вазифасига жонфидолиги кишини ҳайратга солади. Янгиликка интилувчан раҳбар. Каерда ишламасин, ўзидан муносиб из қолдиради. Бор-йўғи бир йилгина “Ўзметкомбинат”га раҳбар бўлиб ишлаганида ҳам комбинатда катта ўзгаришлар қилди. Ферроқотишмалар ишлаб чиқариш цехи қурилишини олиб борди. Комбинатда тикув фабрикаси барпо этиб, икки юздан ортқ иш ўрни ташкил этди. Халқ истёмоли моллари ишлаб чиқариш цехига кам таъминланган оилалар вакилларида саксон нафарини ишга қабул қилди. Унинг даврида комбинат ҳудудини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилганини ҳозиргача кўпчилик эслайди. Ва яна энг муҳими, у ўзини Ватан тақдирига дахлдор деб биладиган олийжаноб инсон.

Бугун жўшқин фаолияти чегара билмас Абдулла Хурсанов ҳақида бир шингил ҳикоя қилдик, холос. Унинг Олий Мажлис Сенати аъзоси сифатидаги фаолияти ҳам алоҳида бир мавзу.

Устозимиз, таниқли адиб Хуришд Дўстмуҳаммад олтмиш ёшни кексаликнинг баҳорига қиёслаган эди. Шундай. Тилагимиз, мисоли олтин каби тобланиб улғайган қаҳрамонимиз ҳозиргидан-да ғайратлироқ, ҳозиргидан-да шиддат билан мамлакат тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверсин! Узоқ манзилларни кўзлаб олиб бораётган масъулиятли ва шарафли фаолиятида унга ҳамisha зафарлар ёр бўлсин!

Дилмурод КИРҒИЗБОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

ТЕХНОЛОГИЯ

Сунъий интеллект нафақат АТ-компаниялар ёки замонавий стартапларнинг, балки оғир саноатнинг ҳам ажралмас қисмига айланмоқда. Ўзбекистонда ушбу йўналишда амалга оширилаётган йирик лойиҳалардан бири айнан Олмалиқ кон-металлургия комбинати (ОКМК)да ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Яқинда пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида “Инновациялар амалда: ОКМК фаолиятида сунъий интеллект имкониятлари” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ мутахассислари қорхонада рақамли трансформация ва сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этиш борасида эришилган натижалар ҳамда истиқболдаги режалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Таъкидланганидек, маъзур йўналишдаги ишлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2026 йил 16 март кuni ОКМКга ташриф давомида сунъий интеллект технологияларини

ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича берган топшириқлари ижроси доирасида янги босқичга кўтарилди. Шу асосда комбинат таркибида Сунъий интеллектни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими ташкил этилди, шунингдек, қорхона халқаро “AI Alliance” ташкилотига аъзо бўлди.

Бугунги кунда комбинатда фойдали қазилмаларни қазиб олишдан бошлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган барча босқичларга рақамли технологиялар ва сунъий интеллект ечимлари изчил татбиқ этилмоқда. Хусусан, 80 йиллик геологик ва маркшейдерлик маълумотлари рақамлаштирилиб, конларнинг уч ўлчамли модели яратилиди ҳамда захиралар қайта баҳоланди. Бу эса қазиб олиш ишларини аниқ режалаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини берди. “Қалмоққир” ва “Ёшлик” конларида руда ҳажмининг назорат қилиш, ҳайдовчиларнинг чарчоқ ҳолатини аниқлаш ҳамда меҳнат хавфсиз-

лигини таъминловчи интеллектуал тизимлар ишга туширилди. Анжуманда қайд этилганидек, комбинат мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган дастурлар бугунги кунда технология жараёнларда муваффақиятли қўлланилмоқда. Интеллектуал диагностика тизимлари транспорт ва технологик ускуналарнинг ҳолатини таҳлил қилиб, эҳтимолий носозликларни олдиндан прогноз қилади. Шунингдек, лаборатория жараёнларини рақамлаштириш, техника ва агрегатлар бўйича ягона маълумотлар базасини яратиш ҳамда мой, шина ва бошқа ресурсларни маълумотлар асосида бошқариш тизими йўлга қўйилган.

Рақамлаштириш корпоратив бошқарув тизимида ҳам ўз аксини топган. Ходимлар ҳисоби ва иш ҳақини ҳисоблаш жараёнлари “1С: ЗУП” платформаси орқали тўлиқ автоматлаштирилган. Ички ҳужжатлар бўйича тезкор маълумот берувчи корпоратив “AI”-ёр-

дамчи фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, номзодларнинг “резюме”ларини автоматик таҳлил қилиб, саралаш имконини берувчи интеллектуал “HR”-тизими ҳам ишлаб чиқилмоқда. Қорхонада яратилган “виртуал завод” технологияси ҳам рақамли трансформациянинг муҳим намуналаридан биридир. Бугунги кунда 1-, 2-, 3-мис бойитиш фабрикалари ҳамда мис эритиш заводидagi барча технологик жараёнларни ситуацион марказ экранлари орқали реал вақт режимида кузатиш мумкин. Маъзур тизим ускуналардаги носозликларни тезкор аниқлаш, ишлаб чиқаришдаги тўхталишларнинг олдини олиш ва технологик жараёнларини самарали бошқаришга хизмат қилмоқда.

Маълум қилинишича, айна пайтда комбинатда 30 га яқин сунъий интеллект лойиҳаси устида иш олиб берилмоқда. Жумладан, геологик маълумотларни таҳлил қилиш асосида бурғилар ва портлатиш ишларини

оптималлаштириш, портловчи материаллар сарфини камайтириш, темир йўл инфратузилмасидаги носозликларни автоматик аниқлаш ва аварияларни олдиндан тахмин қилиш, шунингдек, бойитиш фабрикаларида “Машинавий қўриш” (“Flotation AI”) технологиянинг ёрдамида реагентлар сарфини автоматик бошқариш каби инновацион ечимлар ишлаб чиқаришга татбиқ этилмоқда.

Тадбирда “Олмалиқ КМК” АЖ Инвестицион тақлифлар ва истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлаш бўйича лойиҳа офиси етакчи муҳандиси Малика Тураханова, 3-мис бойитиш фабрикаси директорининг рақамлаштириш бўйича ўринбосари Одил Файзуллаев ҳамда бошқарув раисининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси — Ахборот хизмати бошлиғи Умида Қаршибоева амалга оширилаётган лойиҳалар, уларнинг самарадорлиги ва истиқболдаги вазифалар юзасидан батафсил

маълумот бердилар ҳамда ОАВ вакилларининг саволларига жавоб қайтардилар.

Шунингдек, комбинат томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган 16 та рақамли тизим учун Адлия вазирлигининг муаллифлик ҳуқуқи гувоҳномалари олингани маълум қилинди. Бу эса қорхонада яратилаётган инновацион ишланмалар нафақат ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, балки миллий интеллектуал салохиятни юксалтиришга ҳам хизмат қилаётганини кўрсатади.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, келгусида ОКМКнинг ягона рақамли экотизимини шакллантириш ҳамда сунъий интеллектни бошқарув ва ишлаб чиқаришнинг барча босқичларига кенг жорий этиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолади. Бугун сунъий интеллект ОКМК фаолиятида шунчаки истиқбол режаси эмас, балки ишлаб чиқариш самарадорлиги, хавфсизлик ва бошқарув сифатини ошираётган амалий воситага айланган.

Фарангиз АБРУЕВА,
“Hurriyat” мухбири.

ТАҲЛИЛ

ЖУРНАЛИСТИКА: КАСБМИ, МАСЪУЛИЯТМИ ЁКИ МИССИЯ?

Бугун дунё ахборотнинг мисли кўрилмаган тезлик билан ҳаракатланётган даврини бошдан кечирмоқда. Авваллари одамлар эрталаб газета мутолаа қилиб, радио тинглаган ёки кечкурун телевизор орқали кун янгиликларидан воқиф бўлган бўлса, бугун бир неча сония ичида минглаб хабарлар кишилар қўлидаги телефон экранид пайдо бўлмоқда. Дунё гўё қафтимизга сиғди. Аммо шу билан бирга, яна бир савол тобора долзарб тус олмақда: ахборот кўпайган сари ҳақиқат ҳам кўпайдими?

Аслида муаммо ахборот танқислигида эмас, балки унинг ишончлилигидадир. Ҳар кун ми-нинг-минглаб хабарлар тарқалади: уларнинг орасида текширилган факт ҳам, миш-миш ҳам, таҳлил ҳам, манипуляция ҳам ён-ма-ён юради. Одамлар эса тобора кўпроқ битта нарсани — ишониш мумкин бўлган манбани изламоқда.

Шундай бир шароитда журналистика ҳақида эски та-саввурлар билан яшаб бўлмайди. Уни фақат касб деб баҳолаш ҳам камлик қилади. Чунки бугун журналист шунчаки ахборот етказувчи эмас, у жамият фикрига, кай-фиятига, ҳатто эртанги қарорларига таъсир кўрсатадиган шахсдир. Бир қарашда оддий кўринган сарлавҳа мин-глаб одамларнинг муносабатини ўзгартириши, битта тек-ширилмаган хабар эса бутун жамиятда нотўғри фикр, ҳатто ваҳима уйғотиши мумкин.

Демак, журналистика — оддий иш эмас, катта масъ-улиятдир. Айрим ҳолларда эса ундан ҳам юксакроқ ту-шунча — миссиядир.

Ўтмишга, кечаги кунга назар ташласак, жамият тарақ-қиётининг ҳар бир бурилиш нуктасида журналистика ҳал қилувчи роль ўйнаганини кўраимиз. Матбуот фақат воқеа-ларни қайд этмаган, балки ижтимоий тафаккурни шакл-лантирган, адолат учун курашган, жамиятдаги оғрикли масалаларни кўтариб чиққан. Шунинг учун ҳам журна-листикани кўпинча “тўртинчи ҳокимият” деб аташади. Бироқ бу мақом имтиёз эмас, аввало, улкан жавобгарлик десак хато бўлмас.

Бугунги рақамли маконда бу жавобгарлик бир неча баробар ортди. Энди журналист нафақат бошқа тахри-риятлар билан, балки неча юзлаб блогерлар, аноним қа-наллар ва сунъий интеллект яратган контент билан ҳам бир ахборот майдонида рақобатлашмоқда. Тезкорлик асосий мезонга айланди. Афсуски, айрим ҳолларда “би-ринчи бўлиш” истаги “тўғри бўлиш” мажбуриятидан ус-тун келмоқда.

Натижада биз ғалати парадоксга гувоҳ бўляпмиз: ах-борот оқими ортмоқда, аммо унга бўлган ишонч камай-моқда.

Шу ўринда бир ҳақиқатни тан олиш керак. Ўқувчини бир марта шов-шув билан жалб қилиш мумкин, иккинчи марта ҳам, эҳтимол. Аммо алданган аудитория учинчи сафар қайтмайди. Чунки журналистиканинг энг катта қа-



питали аудитория сони эмас, балки унинг ишончидир. Журналистнинг қўлида моддий қурол йўқ, унинг кучи мансабида ҳам эмас. Унинг энг катта қуроли — сўз. Аммо сўзнинг ҳам вази бор, ўрни бор. Ўйламай айтилган ёки текширилмай ёзилган бир жумла кимнингдир тақдирига, обрўсига, оиласига, ҳатто давлат манфаатларига таъсир қилиши мумкин. Шу боис журналист ҳар бир сўзни ёзиш-дан олдин нафақат “Бу қизикми?” деган, балки “Бу ҳаққ-нийми?” деган саволни ҳам ўзига бериши шарт.

Касбнинг мураккаблиги ҳам ана шунда. Бир қарашда журналистнинг иши воқеани ёзишдек, ёритишдек туюлади. Аслида эса воқеани кўриш билан уни англаш ўртасида улкан масофа бор. Ҳақиқий жур-налист факт ортидаги сабабларни излайди, ҳодисанинг илдизига етиб боради. Рақам ортидаги инсонни, статис-тик маълумот ортидаги тақдирни кўра олади. Чунки пуб-лицистика қуруқ фактлар йиғиндиси эмас, тафаккур маҳ-сулидир.

Бугун рақамли платформалар журналистикага мисл-сиз имкониятлар яратди. Ахборот тарқатиш осонлашди, аудитория кенгайди, журналист ва ўқувчи ўртасидаги ма-софа қисқарди. Лекин бу имкониятлар билан бирга янги хавфлар ҳам кириб келди. Бугун ижтимоий тармоқларда тасдиқланмаган хабар сониялар ичида миллионлаб одамлар орасида тарқалиши мумкин. Уни кейинчалик рад этиш эса деярли имконсиз. Чунки одамлар кўпинча раддияни эмас, дастлаб кўрган хабарини эслаб қолади.

Шу боис бугун журналистнинг зиммасидаги масъу-лият кечагидан анча оғир. Энди у фақат хабар ёзмайди, балки ахборот оқимидан ҳақиқатни саралайди ва одам-

ларнинг ишончини ғимоя қилади. Сўнги йилларда сунъий интеллектнинг ривожланиши бу масалага янги қирра қўшди. Энди бир неча сонияда мақола ёзиш, сурат яратиш, видео тайёрлаш, ҳатто маш-хур инсонларнинг овозини сунъий равишда тиклаш мум-кин. Технология ҳайратланарли даражада ривожланди. Аммо бир савол очкилигича қолмоқда: сунъий интеллект виждонни ҳам ярата оладими?

Йўқ. У матн ёзади, аммо масъулиятни ҳис қилмайди. У фактларни жамлайди, аммо адолат туйғусини ан-гламайди. У таҳлил қилади, аммо инсон дардини ҳис эта ол-майди.

Ана шу жиҳат журналистикани оддий контент ишлаб чиқаришдан тубдан ажратиб туради. Ҳақиқий журналист воқеа жойига борадиган фақат кўзи билан эмас, қалби билан ҳам кўзатади. У рақамлар ортида одамларни кў-ради, баёнот ортидан манфаатларни излайди. Сўкут ор-тида эса баъзан энг катта муаммолар яширинганини ан-глайди. Шунинг учун журналистика ҳеч қачон шунчаки ахборот алмашинуви бўлиб қолмайди, у жамиятнинг виждони бўлиб қолаверадир.

Бугунги Ўзбекистон журналистикаси ҳам мутлоқ янги босқичга кириб бормоқда. Очкилик сивасати, дав-лат органларининг жамоатчилик билан ишлаш усулла-ридаги ўзгаришлар, матбуот хизматлари фаолиятининг такомиллашуви журналист олдига янги талабларни қўй-моқда. Энди оддий хабар билан аудиторияни қониқти-риш қийин. Одамлар таҳлил кутмоқда, сабаб ва оқибатни билишни истамоқда. Уларни воқеанинг ўзи эмас, унинг моҳияти қизиқтирмоқда.

Бу эса журналистдан кенг дунёқарашни, мустақил фикрни ва юқори касбий савияни талаб қилади. Жамият журналистни фақат танқид қилувчи эмас, балки ечим тақлиф қила оладиган зиёли сифатида ҳам қўришни ис-тайди. Чунки танқид қилиш осон, таҳлил қилиш қийин, ечим кўрсатиш эса ундан ҳам мураккабдир.

Шу маънода журналистика фақат касбий маҳорат эмас, балки тафаккур маданиятидир.

Энг муҳими, журналист ўз касбининг ахлоқий мезон-ларини ҳеч қачон унутмаслиги керак. Ҳақиқатни яши-риш ҳам, уни бўрттириш ҳам бирдек хавфлидир. Фактни манипуляция қилиш эса журналистикага эмас, ишончга зарба беради. Ишонч йўқолган жойда эса энг мукамал технологиялар ҳам, энг замонавий платформалар ҳам оммавий ахборот воситаларининг обрўсини тиклаш ол-майди.

Шунинг учун журналистнинг энг катта муқофоти — миллионлаб кузатувчилар эмас, балки халқнинг юксак ишончидир.

Навбахор ДАРХОНОВА,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати раҳбари.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасида “Замонавий журналистикани ри-вожлантириш маркази” вакиллари билан учрашув ўтказилди.

Мулоқот давомида мил-лий журналистикани ривож-лантириш, медиатаълим ти-зимини такомиллаштириш ҳамда замонавий медиама-кон талабларига жавоб бе-радиган қўшма лойиҳаларни йўлга қўйиш масалалари му-ҳокама қилинди. Шунингдек, журналистларнинг касбий ма-лакасини ошириш, фактчекинг йўналишидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва ахборотни текширишнинг замонавий ме-ханизмларини амалиётга жорий этиш юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Учрашув якунида томонлар истиқболдаги ҳамкорлик кўпамини кенгайтириш ва қўшма ташаббусларни қўллаб-қувватлашга келишиб олдилар.



“БИРЛАШИШ НУҚТАСИ” МЕДИАҲАФТАЛИГИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси ташаббуси билан медиа соҳаси вакиллари учун “Бирлашиш нуқтаси” ОАВ ҳафталиги ташкил этилди.

Маъмур тадбир доирасида маҳаллий ва чет эллик экс-пертлар иштирокида маҳорат дарслари, очиқ мулоқотлар ва амалий учрашувлар ташкил этилди.

Ингилишларда журналис-тика ва медиа индустрия-сининг замонавий ривожла-ниш тенденциялари, рақамли трансформация, янги техно-логияларни ОАВ фаолиятига жорий этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Анжуман доирасидаги халқаро конференцияда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси Шухрат Орипов нутқ сўзлади. У профессионал журналистиканинг бугунги ахборот маконидagi ўрни, медиатаълимни такомиллаштириш ва соҳа хо-димларининг касбий салоҳиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.



ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ МЕДИАЛОЙИҲА

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЙХҲТ) ҳамда Журналист-лар маркази ҳамкорлигида “Ўзбекистонда радикаллашув ва терроризмнинг олдини олишда ижодкор ёшлар салоҳиятини ошириш” мавзусида икки кун-лик семинар-тренинг ўтказилди.

Маъмур тадбирда журналистлар, блогерлар ва олий таълим муассасалари та-лабалари қатнашди. Семинар дастури доирасидаги машғулотларни тажрибали экспертлар — Ёқутхон Маматова, Нозима Тошпўлатова ва Артур Кан бошқариб борди.

Ўқув курси давомида танқидий фикрлашни юксалтириш, медиасаводхонлик, виртуал оламда хавфсизлик қоидаларига риоя этиш, ахборот ҳаққонийлигини тек-шириш ҳамда радикал қарашларга қарши самарали мулоқот олиб бориш маса-лалари атрофлича муҳокама қилиниб, амалий машқлар орқали мустаҳкамланди.

Семинар якунида тингловчиларга махус сертификатлар топширилди. Ушбу тадбир ёш авлод вакилларида мафкуравий иммунитетни кучайтириш ҳамда за-монавий медиа маконда масъулиятли фаолият юритиш қўникмаларини ривож-лантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати.

ҲАМКАСБ

ҚИШЛОҚДА ЧАРХЛАНГАН ЖУРНАЛИСТ

Мактабда мухбирликка ҳавас уйғонган кезлар Иштихон туман газетаси тахририятига, гоҳо кўшни туман маркази — Лойиш шаҳарчасида жойлашган “Оқдарё овози” газетасига бориб турардим. Ўша кезлар тахририятнинг ёш ходими Йўлчи Муҳаммадиев бизни очиқ чеҳра билан кутиб оларкан, интервью олишда нималарга эътибор бериш кераклиги, факт ва рақамларни қандай таҳлил қилиш, қайси мавзунини қандай ёзиш маҳоратини ўргатар эди.



бизда маънан яқинлик ҳисларини жўш урдирар эди.

Оқилжон ака ҳар гал очиқ чеҳра би-лан кутиб оларди. У киши Йўлчи акани ҳам ёқтириб қолди. — Оқдарёдан анча-мунча мақола-лар, очерклар ёзганман, — деди устоз адиб вилоятимиз газетасида ишлаган кезларини эслаб. — Қишлоқларин-гизда элга ибрат қилиб кўрсатса ар-зийдиган қаҳрамонлар жуда кўп. Қиш-лоқларда муаммолар ҳам кам эмас. Улар ҳақида бизга ёзиб туринг...

“Гулистон” тахририятидан чиқиб, “Гулхан” журнали бош муҳаррири ҳу-зурига ошқардик. Ўша кезларда “Са-риқ девни миниб”, “Беш болали йи-питча” асарлари билан машхур бўлиб кетган адиб Худойберди Тўхтабоев бизни илиққина кутиб оларди. Устоз адиб Йўлчи Муҳаммад билан таниш-гач, “Қасоскорнинг олтин боши” ро-манининг бош қаҳрамони Намоз бо-тир айнан Оқдарё бўйлариди мар-

дона юришлар қилгани ҳақида сўзлаб берди.

— Романи ёзишга киришишдан илгари Оқдарё, Иштихон, Каттақўр-гон ҳудудларидаги қишлоқлар, баъзи қўрғонлар тарихини ўрганганман. Ну-роний отахонлардан Намоз ботир ҳа-қида ажиб ҳикоялар тинглаганман, — деди устоз адиб салмоқ билан. — Агар росмана излансангиз, қишлоқ-ларингиздан кўплаб қаҳрамонларни кашф этишингиз мумкин...

Шу тариқа талабалик давримизда ва ўқишни тамомлагач, қатор йил-лар мобайнида Йўлчи Муҳаммад ик-кинчи учун газета-журналлар тах-ририятлари ижодий маҳорат мак-табига айланган. Айниқса, “Ёшлик” журналида Эркин Воҳидов, “Гулхан” журналида Абдулла Орипов, Ой-дин Ҳожиёва, Маҳаббат Ҳамидова, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигида Одил Ёқубов, Аҳмад-жон Мелибоев, Иброҳим Ғафуров, “Шарқ юлдузи” журналида Ўткир Ҳо-шимов, Тоҳир Малик, “Мухбир” (“Ўз-бекистон матбуоти”) журналида Зиёд Есенбоев, “Гулистон” журна-лида Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Ма-маткул Ҳазратқулов, “Саодат” жур-налида Зулфия, Ҳалима Худойбер-диева, “Муштум” журналида Мақсуд Қориев, Неъмат Аминов, “Ўзбекис-тон социал таъминоти” журналида Абдужаббор Шаннопов, ёшлар гази-тасида Рустам Шоғуломов, Жаббор Раззоқ, болалар газетасида Сухроб Йўлдош, Абдусамид Кўчимов, Умида Абдуазимова, “Hurriyat” газетасида Хуршид Дўстмуҳаммад, “Тошкент оқ-шоми” газетасида Тўлқин Қозоқбоев каби ёзувчи, шоир, публицистлардан ижодий маҳорат сирларини ўрган-ганимиз. Ўша устозлар дуосини олган Йўлчи Муҳаммад ҳам журналистика бўстониди муносиб ўрнини топди.

Ярим асрдан буён Самарқанд ви-лояти Оқдарё туманининг “Оқдарё” газетасида фаолият кўрсатаётган бўлса-да, долзарб мавзудаги мақо-лалари, очерклари республика гази-та-журналларида мунтазам ёритиб келинмоқда.

Очиғини айтиш керак, қишлоқнинг муҳити ўзига яраша... Йўлчи аканинг истеъдоди қишлоқ йўлларига сочилиб кетди. Асосан, ўзи фаолият кўрсат-ган туман газетаси “қобиги”да қолиб кетди. Умри шу газетада ўтмоқда...

Қишлоқ мавзусини ёритишда Йўлчи аканинг олдига тушадиган ижодкор камдан-кам топилади. Бир гал у киши мени тумандаги “Ўзбекистон” жамоа ҳўжалигига бошлаб борди. Болта қиш-логига туташ пахтазорда бир киши эгат оралаб юрарди: “Бу киши Эсир-гап Раҳматов бўлади, колхоз гидро-техниги, — шивирлади Йўлчи ака. — Гапларига эътибор беринг, тайёр ин-тервью бўлади...”

Гидротехник — жамоа ҳўжалигида сув таъминоти билан шуғулланиди-ган масъул ходим бўлиб, кишин-ёзин далада юради. Зуваласи пишиққина, ёзининг чилласида ҳам кирза этик кий-йиб олган ўша киши биз томон пеш-воз келаркан, салом-алик асосида қуйиб-пишиб, ғўзани ҳўжақўрсинга су-ғораётган айрим сувчиларнинг данга-салик қилаётганини, ғўза “шарбат”ни та-йёрлаб кўрсатганлигини, ўша оқшом йигирма учта пахта устаксини айла-шиб чиққанлигини айтиб берди...

Кетмон дастасидек пишқ қўлла-рида, офтобда қизарган юзида, қисқ-роқ кўзларида шижоат акс этиб турган сув ҳўжалиги ходимининг куюнчақли-гига қойил қолгандим ушанда.

Далада ҳамманинг ўз ўрни бор. Баъзи ишлар мавсумий бўлади. Кол-хоз гидротехниги эса йил бўйи тиним билмас экан. Баҳору ёз фаслида су-ғориш ишларида сувчиларга бош-қош бўлса, кузда зах қочириш, қишда эса шўр босган далаларни “ювиш” ишла-рини йўлга қўяди. Шу тариқа Эсиргап Раҳматовнинг ўрни мудом далада бў-ларкан...

Журналист Йўлчи Муҳаммадиев “Дала шўнқори” деб ёзган мақоласида уни “обиҳаёт таратувчи”, “сув зар — сувчи заргар”, “ғўзага жон бахшида эт-ган”, дея кўкларга кўтарган. Яхши сўз — жон озиғи, деганларидек, газетада ёритилган бу даъваткор сўзлар дала захматқашларига қанчалик мадад, ру-ҳий қувват, куч-ғайрат бахш этганини изоҳлашга ҳожат йўқ.

— Талабалик давримизда се-вимили адибларимиз Худойберди Тўх-табоев ва Оқилжон Хусанов ўргатган қишлоқ қаҳрамонлари мана шу фи-дойилар-да, — дейди Йўлчи ака. — Мен ўша улғу устозлардан мақолада, асарда образ яратиш маҳоратини ўр-ганганим бутун фаолиятимда қўл кел-моқда. Қаранг, ҳикоямиз қаҳрамони Эсиргап Раҳматов ер тилини яхши билган ҳолда одамлар қалбига йўл топиб, дала ишларини йўлга қўйгани боис унга катта ишонч билдиришиб, “Ўзбекистон” жамоа ҳўжалиги бош-қаруви раиси этиб сайлашди. Раис иш-рини тажрибали отахонлар ва уста деҳқонлар билан маслаҳатлашиш-дан бошлади. Иқтисоди ночор аҳволга тушиб қолган жамоа ҳўжалигида тез орада аҳвол ўнгарилди. Очиғи, ўша даврда деҳқонлар ночор аҳволда кун кечирарди. Тўй қилишга қўрби етма-ганлар ҳам кам эмасди. Баъзи оила-лар учун дафн маросимини ўтказиш-нинг ҳам ўзи бўлмасди. Жамоа ҳўжа-лиги иқтисодий жиҳатдан ўзини ўнглаб

олгач, шундай ночор оилаларга мод-дий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди. Устоз адиблар этагидан маҳ-кам тутиб камолга етган журналист Йўлчи Муҳаммад бу йил 70 баҳорни қаршилади. У ярим асрлик ижодий фаолияти давомида ўз публицисти-каси билан нафақат Оқдарё тума-нидаги, балки Самарқанд вилояти сарҳадларидан ўтиб, республикамиз миқёсида танилган ижодкорлар қа-торига кирди.

Ўз касбининг ҳақиқий фидойиси бўлган устоз журналистнинг Оқдарё ўтмишини бино этган ва бугунини яра-таётган Миёнқол фарзандлари ҳа-қидаги мақола, лаъва ва очерклар, замондошларини қийнаб келаётган муаммолар, айниқса, лоқайд, бепарво ва тадбирсиз раҳбарлар хусусидаги танқидий мақола ва фелъетонлари газетхонлар томонидан илиқ кутиб олинди. Маҳоратли ижодкорнинг “Оқ-дарё фарзандлари”, “Тўхмат гирдоби” китоблари мухлислари қалбидан жой олган.

Ўзбекистон Журналистлар уюш-маси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Йўлчи Муҳаммад бутун фао-лияти давомида жамиятимизда уч-раб турадиган айрим муаммоларни, ноҳақиякларни қаламга олар экан, доимо адолат, она диёримиз тарақ-қиёти учун ўткир тилги қалами би-лан курашдан асло толмайди. Доимо тўғри сўзни, ошқоралиқни, меҳр-му-руватга муҳтож инсонларга ёрдам қў-лини қўзишни ўзига шior қилиб яша-моқда. Камтар ва одамохун инсон, фидойи қалам соҳибининг ижодий ма-ҳорат мактаби бўлгуси журналистлар учун ибрат намунасидаир.

Тўлқин ЭШБЕК,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси.

Биз билган ва билмаган

ТЕМУРБЕК

1-6

Дунё тақдирини ўзгартириб юборган, ҳарбий тўқнашувлар стратегияси ва тактикасини санъат даражасига кўтара олган Александр Македонскийнинг милoddан аввалги 331 йилда бўлиб ўтган Гавгамела жанги ҳамда Соҳибқирон Амир Темурнинг 1402 йилдаги Анкара жанги уларнинг саркардалик даҳоси рамзи сифатида инсоният тарихидан абадий ҳол олди.

Соҳибқирон Амир Темур образи, унинг ўзига хос қирралари, айниқса, сурати ва сийрати, тугилиши, болалиги, саводи ҳамда ҳаётининг сўнгги кунлари тафсилотлари миллионлаб инсонларнинг онгу шуурини, мана, салкам 700 йилдирки, ҳамон мафтун этиб келмоқда.

Мана, атоқли адиб Мухаммад Али яна Амир Темур мавзусига қўл урди ва “Темурбек” тарихий қиссасини нашр эттирди. Энди у тарихимизнинг энг мавҳум, оқ доғлар билан қопланган даври — Амир Темурнинг болалик ва ўсимирлик йиллари тафсилотларини қаламга олди. Камина фахр ва зўр завқ ила китобни мароқ билан ўқиб чиқдим.

Қўп жаҳонгирларнинг болалик ва ўсимирлик даври тарихи етарлича ёритилмаган — Чингизхон, Цезарь, Ганнибал ва бошқа кўплаб тарихий шахсларнинг қисмати шундай. Чунки агар улар подшоҳлар ёки даҳолар авлодидан бўлмаса, тарих ўз баҳосини сўнроқ беради. “Шу болакайнинг юлдузи қачон чарақлайди, ундан буюк шахс чиқади-йўқми?” — буни ўз вақтида ким ҳам билиб, пайкай оларди? Тўғри, даҳолар болалигида ўзгачароқ бўлади, ақлу заковати теранроқ, қилиқлари ҳайратомуз кечади... Лекин буюк жаҳонгирлик ҳаммага ҳам насиб қилмайди, тарихда камдан-кам учрайди. Уни болаликдан илбаш қийин. Шу сабабдан уларнинг болалиги вақтида қаламга олинмаган, деган фикрдаман.

Амир Темурнинг болалиги сир-синоатларга бой эди. У ҳақдаги ҳаққоний маълумотлар йўқ ҳисоби. Лекин бу бўлишлардан унумли фойдаланган тарихимиз ғанимлари Амир Темурга “қон билан тутилган”, “саводсиз”, “қўй ўғриси”, “ёввойи”, “шафқатсиз” ва ҳоказо ёрлиқларни ёпиштириб, улуғ шахс ҳақида нотўғри тасаввуслар уйғотди, тарихимизни сохталаштирди.

Мен ақсарият ватандошларим каби бу жумбоқларнинг барчасига Мухаммад Алининг “Темурбек” қиссасидан жавоб топдим.

Авалло ёзувида мураккаб мавзулар ва тарихий шахслар ҳақида қалам тебратилиш учун ички маънавий ҳуқуқ бўлиши керак. У узоқ йиллик меҳнат ва изланишлар билан вужудга келади. Бу — ақсиома. Адибимиз, шубҳасиз, шундай ҳуқуққа эга. Унинг китобхонлар меҳрига сазовор бўлган тўрт жилдлик “Улуғ салтанат” роман-эпопеяси, “Сарбадорлар” тарихий романи бунинг аққол исботидир.

Мухаммад Али ўз қиссасини тарих илмининг сўнгги ютуқларига асосланиб ёзди. Темурбекининг болалиги ва ўсимирлиги тарихини ҳаққоний, адолатли, бадий тўқималар воситасида жонли ва ишончли тасвирлаб берди. Бу — ишонарли тарих. Бадий асарларнинг инсоният тафаккури олдидаги буюк хизмати ҳам аслида шунда.

Ёзувчи таъкидлаганидек, “Амир Темур муаррихларга ёшлик даври тарихини ёзмасликни, ёзганларини эса ўчириб ташлашни маслаҳат берган, чунки бу маълумотлар одамларга ишонарсиз туюлиши мумкин” эди-да. Ҳадислардан бирида: “Айтаётганингиз рост бўлса-ю, лекин тингловчи учун ишонарсиз бўлса, уни айтманг”, деган мазмундаги гаплар бор. Масалан, ёш Темурбек ўз тенгқурлари билан “давлат-давлат” ўйинини ўйнаган, унда подшоҳ, вазира, лашкарбоши, амрлар, навкарлар ва қозилар тайинланган. Жараён қатнашчиларидан бири “миллатга, салтанатга ҳиёнат қилганлик”да айбланиб, қаттиқ жазоланган. Энди тасаввур қилинг, 12-14 ёшлардаги Темурбекининг бундай фикрлашига, ҳукм чиқаришига, адолат ўрнатишига қайси ўқувчи осонгина ишонарди? Ваҳоланки, Темурбекининг ёшлиги ҳудди шундай ажойиб-ғаройиб воқеаларга бой бўлган. Ахир ёвқур баҳодир, буюк жаҳонгир бир кунда шаклланиб қолмайдиган кун.

Янги Ўзбекистоннинг қураётган миллатимиз миллий гуруримига айланган Амир Темур ёшлигининг ҳаққоний тарихини ҳам билиши керак. Халқимизда бу тарихни билишга ташналик, катта эҳтиёж бор. Бу кемтикни тўлдиришга Мухаммад Али бел боғлабди. У “Темурбек” қиссасида қаламга олинган тарихий жараёни тўғри қўрсатган, образларнинг барчаси тарихий шахслардир. Бадий тўқималардан унумли фойдаланилгани натижасида аниқ давр манзараси яратилган, Амир Темурнинг болалик ва ёшлик йиллари тарихи қайта тикланган. Бу таҳсинга лойиқ.

Асарнинг ниятда ишонарли чиққанини яна бир бор таъкидлаймиз. Асарда Амир Темурга қилинган ноҳақ тўхматлар тарихий фактлар ва бадий ифодалар билан фоти этилгани жуда қувонарлидир. Тан олиш жоиз, Мухаммад Али ўзбек тарихий романчилигининг устаси ва ҳақли равишда Ўзбекистон тарихининг чуқур билимдонни ҳисобланади. Асардаги барча бадий қаҳрамонлар — Темурбек, Мухаммад Тарағай, Қорачор Нўён, Теғина хотун, Убайдулло Бухорий, Шайх Шамсиддин Кулол, Шоҳсувор мунажжим, Кебекхон, Қозонхон, Амир Қазоғон, Амир Хўсайн, Амир Бурқал, Жоку барлоқ, Сайфиддин, Аббос ва яна ўнлаб образлар тарихимизда мавжуд бўлган шахслардир. Улар шунчалик усталик билан бадий образларга айлантирилган, сурати ва сийрати ишонарли қилиб тасвирланганки, ўқувчида беихтиёр кино кўраётгандек ҳиссиёт пайдо бўлади. Шунингдек, муаллиф юрт табиятини — Тўрт пастикечилиги, Хисор тоғлари, Тахти Қорача, Чак-Чак доволари, Кеш шахри ва Хўжа Илғор қишлоқларини шунчалик гўзал, аниқ ва тиниқ таърифлайдики, ўқувчи бу жойларни ҳаёти давомида қўп мартаба кўрган бўлса-да, унда яна бир қарра шу юртларга саёҳат қилиш иштиёғи уйғонади.

“Темурбек” қиссаси Амир Темурнинг туғилган куни арафасидаги тафсилотлар билан бошланади ва унинг 24 ёшида, яъни 1360 йили Мўғулистон хони Туглук Темурхон хизматига кириши ҳамда Кеш вилояти ҳокими бўлиши тафсилотлари билан якунланади.

Асарнинг “Юлдузлар ўйини” бобида коинотдаги юлдузлар (чунончи, Сомон йўли, Хулқар, Оптиққозиқ ва ҳ.к.) ҳамда буржларнинг жойлашиши астрономик аниқликда тасвирланади. Ушанда, Темурбек туғилган кунда — 1336 йил 9 апрелда коинотда Муштарий (Юпитер) ва Миррих (Марс) юлдузлари бир-бирига жуда яқин келиб, бир сафга тизилган, яъни “қирон” юз берган экан. Шу сабабдан Амир Темур номига “Соҳибқирон” сифати ҳам қўшиб айтиладиган бўлди. Дарвоқе, унинг исми ҳам тасодифан қўйилмаган. Улуғ пир Шамсиддин Кулол қўдан келган илоҳий бир қудрат илҳами билан Куръонни Каримни очди ва кўзи 57-“Ҳадид” сурасига ташлади... “Ҳадид” — темир дегани. Аллоҳнинг инояти билан чақалоққа “Темурбек” деб исм кўядилар. Бунинг тафсилотларини қиссадан ўқиб, ҳақиқий маънавий ҳузуру олишингиз мумкин.

Сурада шундай дейилган эди:

“Биз ўз пайғамбарларимизни аниқ ҳужжат, мўъжизалар билан юбордик ва улар билан бирга Китоб ҳамда одамлар адолатни барпо қилишлари учун Мезон-парозни туширдик. Яна Биз темирни туширдик-яратдик. Унда куч-қувват ва одамлар учун манфаатлар бордир”.

Яна бир гап: гўёки Темурбек мушт бўлиб тутилган қўллари-дан қон сизиб турган ҳолда туғилганмиш. Аслида, барча чақалоқларнинг туғилиши ҳудди шундай бир хил кўринишда бўлади, бу — биологик жараён. Бу тўғрида унинг ғанимлари аввал ривоят тўқийди, кейин афсонага айлантиришди. Аслида, бу ривоят Темурбек эмас, балки Чингизхон билан боғлиқдир.

Фақат битта фарқ бор эди: Темурбек бошқа чақалоқлардан ўзгачароқ эди. Уни илк бор кўрганларнинг ҳаёлида йилт этиб “Бола — бошидан” деган халқ мақоли пайдо бўларди. Уни ёзувчимиз жуда чироили, халқона қилиб қўйидагича тасвирлайди:

“Аслида, бешик тўйининг зашти бўлакча-да! Бешик — фарзандининг балогатга эришиш йўлидаги дастлабки поғонаси. Чақалоқ шу бешикдан чиқиб, юриб кетади! Боланинг юриб кетиши — дунёни олишдир! Лекин кутилмаганда бир муаммо чиқди... Темурбекни бегаанларида... гўдакка бешик хийла торлик қилди!”

Ушбу сўзларни ўқиган ҳар бир ўқувчи — момолар, оналар, боболар ва оталар дарҳол мазмунни тушунадилар, тасаввур қиладилар. Чунки туркий зот бори, бешикдан ўтган. Бунинг устига, ёзувчимиз сўзлашувда ўша давр лаҳжасидан фойдаланиб шундай тасвирлагани, беихтиёр Темурбекининг туғилишдан оқнага бир бола бўлганига амин бўласиз, ишонасиз.

Яна бир жумбоқ: Амир Темур саводсизими?

Жавоби “Темурбек” қиссасидан излайми?

Амир Темурнинг отаси Мухаммад Тарағай амирзодалар авлодидан бўлиб, Кешнинг нуфузли бекларидан эди. Негадир ибн Арабшох Мухаммад Тарағайни “хайқирок чўпонлардан” деб тўхмат қилди. Бешинчи отаси Қорачор Нўённинг Чингизхон билан ёзма аҳднома тузганлигига тарихий ишоралар бор. Албатта, бу сулола асосчиларининг ёзиш ва ўқишни билганлигидан далолат беради. Шундай экан, бир неча авлод ўтиб, Амир Темурнинг саводсиз бўлиши мантиққа тўғри келмайди. Онаси Теғина хотун Бухоро шайхулисломни, маърифатли Убайдулло Бухорийнинг қизи бўлиб, у ўқимишли ва саводли аёл эди.

“Темурбек” қиссасида ўша давр мадраса таълими, дарслари, манбалари ва китоблари жуда ишонарли тасвирланган. Ота томонидан беқзода, она томонидан шайхзодаларга бориб тақаладиган Темурбекни олти-етти ёшларда Мавлоно Меҳтар домланинг Кешдаги мактабига бердилар.

Қиссада мадраса ва бошланғич таълим ўша давр талабидан келиб чиқиб жуда жонли тасвирланган:

“Мадраса бир қаватли бинода, шинам, истараси иссиқ ҳовлида жойлашган бўлиб, кирган киши яна кирсам дейди. Темурбек мадрасага биринчи келган куни... боланинг билимини си-наш ниятида Меҳтар муаллим таълим тахтчасига чироили қилиб абаж ҳарфларини битиб рўпарасига қўйди ва: “Мана бу алиф, мана бу бе...” дейишга ҳам улгурмади. Темурбек бир қарашдаёқ шарпиллаб ўқиб берди”.

Кейинги тафсилотлар ҳам Темурбекининг юқори саводли шахс бўлганлигига ишора қилади.

Милодиий 1360 йили мўғул хони Туглук Темур “бобом Чингизхондан қолган мулк” дея даъво қилиб, Мовароуннахрга лашкар тортиб бостириб келди. Тахликали, қораканда замон бўлиб, жон сақлаш учун ким Хурросона, ким тоққа кирган эди... Ана шундай оғир дамларда Амир Темур маспахат сўраб, Шайх Зайниддин Абу Бақир Тойободийга хат ёзди ва пирдан жавоб ҳам олади. Бу жуда хавфли ва ўлим тахлиқаси мавжуд бўлган вазият эди. Хатни бировга ёздириб, яна бировга ўқитадиган замон эмасди, бу Амир Темурнинг ўта хуфийна иши эди. Унинг бошидан ўтган кейинги воқеалар тахлили шуни кўрсатадики, хатни Темурбекининг шахсан ўзи ёзган ва ўзи ўқиган.

Соҳибқирон кейинчалик ҳаёти давомида кўплаб доғиш-мандрлар ва даҳолар (Ҳофиз Шерозий, ибн Халдуун ва ҳ.к.) билан суҳбатлар қурди ва уларнинг барчасида ўзини юқори савияли саводхон, керак билимдонни сифатида кўрсатиб, суҳбатдошларини ҳайратга солди. Бунга тарих гувоҳлик беради.

Мухаммад Али “Темурбек” қиссасида Темурбекининг аввал оилада, сўнг мадрасада таълим олганлигини қизқарлиқ тарзда тасвирлаб берган. Бу — айна тарихий ҳақиқат. Демак, Амир Темур арабий имлода ёзган, ўқиган, туркий, форсий ва мўғулий тилларда гапира олган саводли шахс бўлган.

“ҚЎЙ ЎҒРИСИ”

Бу ҳам Соҳибқирон ҳазратларига қилинган навбатдаги тўхматлардан бири эди. Эмишки, Амир Темур йигитлик даврида қўй ўғирлаб кун кечирганмиш. Ибн Арабшох ёзади: “*Кечаларини бирда у бир қўйни ўғирлади ва уни орақсизга ўнариб олди. Шунда чўпон камон ўқи билан уни елкасидан уриб яра-лади ва яна бир ўқ билан сонидан жарахатлаб, қолдан тойдирди*”. Воқеа Кешда юз бергандек ҳикоя қилинади. Лекин шу муаррихнинг ўзи бошқа бир жойда айнан шу воқеаларни Са-жистонда (Сейистон) бўлиб ўтган тарихий жараёнларга бо-ғлаб ёзади. Биринчидан, бу ерда мантиқсизлик, иккинчидан, та-рих илмида кечирилмайдиган ноҳилислик юз берган. Бир на-рсаи таъкидлаш жоизки, ибн Арабшох (ўзининг эътирофича) воқеаларни одамлардан қандай эшитган бўлса, шундай ёзган. Уларга танқидий кўз билан қараш лозим.

Темурбек мактаб ёшида отаси каби мутасаввиф Шайх Шамсиддин Кулол таъсирида бўлган, уни пир тутган. Темурбекининг болалигидан шаклланган ахлоқи, йимони, тасаввуф ва дар-вешлик туйғулари унинг ўғриллик билан кун қўришига ҳеч қачон йўл қўймаз эди.

Темурбек ўзгача бир иштиёқ билан, айниқса, ҳарбий ўйин-ларни машқ қилар, баданини чиниқтирар эди. Зукколиги, до-вюраклиги ва адолат туйғуси уни тенгқурларининг пешвосига, йўлбошчисига айлантирди.

“Темурбек” қиссасини ўқир экансиз, Темурбекининг йигитлик чоғидаги ҳаёти хронологик жиҳатдан ниятда тигиз, тарихий воқеаларга бой кечганининг гувоҳи бўласиз. У жуда эрта ул-ғайди ва эл-юрт хизматига бел боғлади. Ўзи “Темур тузуқла-ри”да таъкидлаганидек, “Ўн икки ёшимдан жаҳонгашталиқ қис-матим бўлди”.

Темурбекининг болалиги 1352-1353 йилларгача давом этди. 1354 йили отаси Мухаммад Тарағай Темурбекни Занжирса-ройга, Амир Қазоғон ҳузурига олиб борди. У хон хизматига кирди. 1355 йили Амир Жоку барлоқнинг қизи Турмуш оқога уйланди. 1356 йили Амир Темурнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзо дунёга келди. 1355-1358 йилларда Амир Қазоғоннинг ҳарбий хизматиде бўлди. 1360 йили Амир Темур иттидорли ҳарбий қўмондон, амир сифатида Мўғулистон хони Туглук Те-

мурхон хизматига кирди. 1361 йили Кеш вилоятининг ҳокимлик васиқасини қўлга киритиб, ўз юртига эга бўлди.

Энди тасаввур қилинг, воқеаларнинг тигизлигига ва унинг хизмат пиллапоаяларидан шиддат билан ўсганига эътибор бе-ринг: болалиги ислом арконларини ўрганиш билан ўтган, йи-гитлик даврида аввал юзбоши, кейин мингбоши, бош қўмон-дон сифатида Амир Қазоғон давлатига хизмат қилган ва ни-ҳоят Кеш вилоятининг ҳокими бўлган шахс қароқчи ёки ўғри бўлиши мумкинми?

Бу Амир Темурга нисбатан тарихнинг тўхмати эди. Аксинча, у Амир Қазоғон хизматиде бўлган чоғда даштдан келган кўч-манчилар юртни босиб, халқнинг мол-ҳолини ҳайдаб кетган-да, Темурбек ўз навкарлари билан зудлик билан уларни қувиб етди ва жангга киришди. Босқинчилар мағлуб бўлиб қочишди; мол, қўй, йилқи ва туялар қайтариб олиб келиниб, эгаларига топширилди.

Бундай воқеалар, айниқса, 1358 йили Амир Қазоғон ўлди-рилгандан сўнг, бошбошдоқлик даврларида кўп бўлиб турар эди. Ушанда Темурбек элпарварлик йўлини танлади, авом халқни ҳимоя қилди. Шу сабабли ҳамма ёшу қари, айниқса, тенгдошлари унга интилди, келиб унинг сафига қўшиливерди. У суоқли йўлбошчига, халоскорга ва баҳодирга айланди. Та-рихий қиссада Темурбекининг давлат арбоби бўлиб вояга етиш жараёни равшан кўрсатиб берилган. Амир Темурни замоннинг ўзи етиштирди.

РИВОЯТЛАРИНИНГ ИЛДИЗИ

Ушанда, XIV асрда алғов-далғов замон эди, душман кўп эди — мўғуллар, форслар, ҳиндулар, ички душманлар, қароқ-чилар, хоинлар... Буларнинг гапларини испаниялик элчи Руи Гонсалес де Клавихо ҳам эшитган ва ўзининг “Амир Темур са-ройига саёҳат кундалиги (1403-1406)” асарида ёзиб қолдир-ган. Элчи Самарқандда 1404 йил сентябрь-октябрь ойларида Амир Темур Соҳибқирон билан бир неча бор базмларда, рас-мий қабулларда учрашган, суҳбатлар қурган. Яна, табиийки, атрофдаги ҳар хил қайфиятдаги одамлар, жумладан, “ички душманлар” билан ҳам гаплашган ва улардан Амир Темурнинг туғилиши ҳамда болалиги тўғрисида ҳайратомуз, афсонавий ривоятларни эшитган. Бу тарздаги ахборотларга, айниқса, эл-чилар ўч бўлади ва улар ўз юртларига воқеаларни бўрттириб, қулқончи қоматга келтирадиган қилиб олиб кетишган.

Тасаввур қилинг: 1404 йил сентябрь-октябрь ойларида Кониғилдаги тўй тантаналарида ва расмий қабулларда ўн-лаб юртларнинг — Хитой, Тибет, Мўғулистон, Хўтан, Ҳиндис-тон, Хурросон, Табриз, Гилон, Бағдод, Миср, Испания элчилари қатнашган. Уларнинг ўзаро энг сеvimли суҳбат мавзуларидан бири Соҳибқирон Амир Темурнинг бугунги саркардалик зафар-лари ва, албатта, унинг афсонавий, сирли ўтмиши ҳамда ёш-лиги тарихи эди. Элчилар ўз юртларига, ҳукмдорларига ушбу ҳайратомуз тарихларни олиб кетдилар. Бу уларнинг вазифаси ҳам эди-да.

Ҳудди мана шу гапларни араб тарихчиси ибн Арабшох ҳам эшитган ва ўзининг “Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур” аса-рида ёзиб қолдирган, тарихга муҳрлаган. Ибн Арабшох 1401-1408 йилларда Самарқандда яшаган, агар унинг 1389 йилда туғилганлигини инобатга олсак, у ушанда 12-19 ёшларда бўл-ган. Айни ахборотга, билимга чанқоқ ёшда эди.

Ҳар иккала муаллиф — Клавихо ва ибн Арабшох ўз асарла-рини ўша даврларда урф бўлган тарихий ҳикоянавислик тар-зида, бироз бадийлаштириб, ўқувчиларни ҳайратга соладиган бўҳтонларни ҳам яамасдан қўшиб ёздишди. Айниқса, ўзлари-дан олдин ёзилган китобларда зикр қилинган, дунёнинг қае-ридадир, ким биландир бўлиб ўтган ҳайратомуз афсоналарни ҳам иккиланмасдан Амир Темур шахсига ёпиштиришди.

Шу сабабли ҳам тарихчиларимиз олдида турган вазифалар-дан бири — ибн Арабшох ва Клавихо асарларини қанчалик эъ-озламлайлик, ўша даврдан қолган ёдгорлик деб қанчалик улуг-ламайлик, уларнинг манбаларига танқидий ва мантиқий таҳ-лил нуктаи назаридан ендашми лозим бўлади. Тарихимизнинг ҳаққонийлигини таъминлаш йўлида уни бўҳтонлардан тозала-шимиз лозим деб ўйлайман.

Мухаммад Алининг “Темурбек” қиссаси айнан мана шу но-ҳилисликлар, тўхмат ва бўҳтонларни фоти қилишга қаратилган. Асар тарихимизнинг кемтик жойларидан бирини — Амир Те-мурнинг ёшлиги ва ўсмирлиги даври тарихини бадий тўқима-лар, жонли образлар ва фактлар орқали тўлдирди. Адиб мил-латимиз тарихининг ғанимларига қудратли зарба берди.

БУЮК ТЕМУР ВА МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН

Юқоридеги Амир Темурга тегишли эпигетларни тан олиш у ёқда турсин, уларни баралла айта олиш учун ҳам бизга му-стақиллик керак эди. Буюкларга баҳо бериш, уларнинг тарих-даги ўрнини кўрсата олиш ҳам шарафли ишдир. 1991 йилда она Ватанимиз мустақил бўлди. Миллатимизнинг буюқ фар-занди Амир Темур хотираси, тарихи халқимизга қайтарилди. Унинг жаҳон тарихида тутган ўрнига монанд ҳайкаллар ўрна-тилди; майдонлар ва кўчалар буюк бобомиз номи билан юри-тилмоқда. “Темурбеклар мактаби” тизими яратилди, бу ном миллий ғоямизга айланди.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Темурбеклар мактаби очилишида сўзлаган нутқида:

“Ватанимиз ҳар бир посбони Амир Темур ва улуғ лашкар-бошларимиз ўятларини, уларнинг ҳарбий меросини чуқур билиши керак, деб қайта-қайта таъкидлаб келаман. Бу ўл-мас ва бебаҳо мерос ҳозирги кунда ҳам ҳар биримизниг эл-бимизга чексиз гурур бахш этади, муқаддас тулғоримизга са-доқат туйғулларини кучайтиради”, деб бежиз таъкидламади-лар. 2026 йили Соҳибқирон Амир Темурнинг 690 йиллиги Янги Ўзбекистонимиз юксалиши шиддатига хос ва мос равишда ни-шонланади. Аҳаё эмаски, биз интилаётган Учинчи Ренессанс илдизи ва пойдевори Буюк Темур томонидан яратилган ик-кинчи Ренессанс даврларига бориб қуришди.

Учинчи Ренессанс пойдеворини ўрнатади жонбозлик қи-лаётган ёшларимизга Амир Темур руҳи ёр бўлсин!

Халқ севган ёзувчимиз Мухаммад Алига янги-янги, бун-дан-да юксак асарлар яратиши учун куч-қувват тилаймиз. Энди унинг асарларини ўқиб, Соҳибқирон бобомизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида тўлиқ ҳамда аниқ маълумотга эга бўла оламиз.

“Темурбек” китобининг тақдирини шон-шухратли бўлсин! Ёш-ларимизга, барча юртдошларимизга бу асарни мамнунли бил-лан ўқишни тавсия қиламан.

Темур ШИРНИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.

✓ ХОРИЖ

РАМЗАН ҚОДИРОВ ЯНА ЧЕЧЕНИСТОН РАҲБАРИ БЎЛИШИ МУМКИН

Рамзан Қодиров Чеченистонда бўлажак раҳбарлик сайловла-рида “Ягона Россия” партиясидан номзод сифатида курсатилди. Бу қарор Грозний шаҳрида ўтган партиянинг ҳудудий бўлими кон-ференциясида бир овоздан қабул қилинган.

Рамзан Қодиров эса маз-кур қарордан унчалик мам-нун эмаслигини билдирди. Унинг айтишича, агар танлов имкони бўлганида, бошқа номзодни маъқул кўрган бў-ларди.

“Ростини айтсам, сай-ловда иштирок этишимдан хурсанд эмасман. Агар мен-дан сўрашса, бошқа номзодни танлаган бўлардим. Чунки бу жуда катта масъулият ва нақадар мураккаб вазифа эканини яхши биламан. Рес-публика учун жуда катта меҳнат қилинди. Бугун эса бизда яхши шакл-ланган ва аниқ механизмдек ишлайдиган жамоа бор”, — деди у.

Қодировнинг таъкидлашича, у сайловда иштирок этишга мажбур бўлган.



ИНТЕРПОЛ ОПЕРАЦИЯСИ: ДУНЁ БЎЙЛАБ ОДАМ САВДОСИ ҚЎРЕОНЛАРИ ҚЎТҚАРИЛДИ

Интерпол томонидан мувофиқлаштирилган йирик халқаро опе-рация натижасида одам савдоси билан боғлиқ жиноятларда гумон қилинган 1000 дан ортиқ шахс жавобгарликка тортилди.

Одам савдосига қарши қа-ратилган кенг кўламли опе-рацияда 59 давлат ҳуқуқ-тар-тибот идоралари иштирок этди. Интерпол маълумотиға кўра, қўлга олишлар Африка, Шимолий ва Жанубий Аме-рика, Европа ҳамда Осиёни қамраб олган ҳолда беш кун давомиде амалга оширилган.

Тергов жараёнида одам савдосининг 2000 дан ортиқ қўрбони аниқланган. Улар орасида фоҳи-шаликка, тиланчиликка ва жиноий ҳаракатларда қатнашишга мажбур-ланган шахслар ҳам бор.

Маълум қилинишича, жабрланганларнинг асосий қисми Аргентина, Колумбия, Венесуэла, Молдова ва Непал фуқароларидан иборат бўл-ган. Қўрбонларнинг қарийб 10 фоизини эса вояга етмаганлар ташкил этган.

АҚШ ТУРКИЯНИ “F-35” ДАСТУРИГА ҚАЙТА ҚЎШИШИ КУТИЛМОҚДА

АҚШ президенти Дональд Трамп Туркия президенти Ражаб Той-ийб Эрдўганга Анкарани “F-35” бешинчи авлод қирувчи самолёт-лари дастурига қайта қўшишга тайёр эканини маълум қилмоқчи. Бу ҳақда “The New York Times” нашри хабар берди.

Туркиянинг 2019 йилда Россиядан “С-400” ҳаво ҳу-жумидан мудофаа тизимини харид қилиши Анкара ва Ва-шингтон ўртасидаги муноса-батларни совитган, шунинг-дек, Конгрессда Туркияни қўллаб-қувватлаш масала-сини ҳам мураккаблаштирган эди. Шунинг ортидан АҚШ Анкарага қарши санкциялар жорий қилиб, уни “F-35” қирувчи самолётлари дастуридан чиқарган.

Эслатиб ўтиш жоиз, ўтган йил 25 сентябрь куни Дональд Трамп Оқ уйда Ражаб Тойийб Эрдўган билан учрашув ўтказганди. Учрашув да-вомиде Трамп Туркия раҳбарини Россиядан нефть сотиб олишни тўх-татиш бўйича илтимосини қабул қилишга қақирган. Шунингдек, у Анка-рага илғор “F-35” қирувчи самолётларини харид қилиш имконини яра-тиш мақсадига АҚШ санкцияларини бекор қилиши мумкинлигини ҳам билдирган.



ХОТИРА

— Онаси, Баҳромжон, — деди тўкин дастурхон атрофида ўтирган яқинлари ёнига келиб Улугбек ака, — турунгллар, кетамиз. Тоғам куттириб.

— Дадажон, уйга кетмаймизми? — деди кўчага чиқишган, Баҳромжон бир осмондаги юлдузларга, бир дадасига қараб.

— Йўқ, бугун тоғангникида қоламиз. — Вой, ҳаммаёқ қоп-қоронғи, уйлари ҳам маҳалланинг бир четида бўлса. Мен қоронғидан кўрқаман.

— Болажоним, сен ўғил боласан-ку, ўғил болаям қоронғидан кўрқадими? Қара, биз ёлғиз эмасмиз, осмонда оймома сени кузатиб келляпти, — деди Ширин опа қўлини осмонга кўтариб.

— Қоронғиданмас, итлардан кўрқяпман, тағин тоғамнинг уйи ёнида итлар бўлса-чи?

— Ўғил болалар итдан кўрқмайди, дарҳол ҳайдаб юборади, — жилмайди дадаси.

— Узимиз томондаги итлардан кўрқмайман. Бегона жой-ку, ўшанга...

— Тоғаннинг уйи бегона эмас.

— Мана, сен ҳозир спорт тўғарагига қатнаясан, демек, билигинг кучга, юрагинг жасоратга тўлиб борапти.

— Ана, тоғангникига етиб келибмиз-ку, — деди Улугбек ака ёғоч дарвозага ишора қилиб. Шу чоғ Баҳром ерга эгилди-ю, қўлига тошми, кесакми олди-да, сал нарида юрган иккита дайди итга қараб отди. Кесак тегди, шекилли, итлардан бири “ванг” деганча панжара ошиб кўздан йўқолди.

— Қойил, бир оғиз гапим билан юрагингдаги кўркунини енга олибсан! Кўпакни қочирвординг, — Улугбек ака ўғлини даст кўтариб бағрига босди...

— Ойижон, қаранг, Амир Темур ҳақидаги китобни совға қилдилар, — ойиси ўтирган хонага югуриб кирди Баҳром.

— 5-синфга аъло баҳолар билан ўтибсан-ку. Устозинг сени даданга иродали, меҳнатсевар, ўртоқларига меҳрибон, деб мақтаганидан хурсанд бўлибдилар-да. Ана энди ёз бўйи китоб ўқийсан, — ўғлининг кўнгирак сочларини силади Ширин опа. — Мен эса сенга ўйинчоқ олгандим.

— Ойижон, анави бекатдаги дўконда жуда чиройли автомат кўрдим.

— Мана бунақами? — Ширин опа хонтахта тагидан картон қўти олиб ўғлига узатди.

— Ҳа, ҳа, худди шунақасини айтётгандим, раҳмат! — Баҳромжон қўтидан автоматни олиб, жилмайиб бағрига босди. — Менда наган бор, пистолет, пушка бор, аммо бунақа автомат йўқ эди... — чарос кўзлари қақнаб кетди болакайнинг. — Фарҳод ўртоғимнинг “танк”и ўқ отар экан. Ҳавасим келганди. Менинг автоматим ҳам ростакамга ўхшаркан. Ойижон, ростакан автомат оғир бўлади, а? Ичида ўқлари кўп бўлади-ку. Уни кўтаришга қийналмасмиканман?

— Мана, кўтариб турибсан-ку. Демак, оғирлик қилмабди.

— Мен армияга борганимда кўтарадиган ростакан автоматни айтчман. Унганча бўйим ҳам ўсади, кучим ҳам ошади-а, ойижон?

— Қўй-э, илоҳим, ҳақиқий ўқотар қуролдан фойдаланишга ҳоҳат бўлмасин.

— Ойижон, ундай деманг. Ахир мен катта бўлсам, ҳарбий бўламан-ку. Устоз айтган, ўғил болалар Ватан қалқонлари бўларкан. Улар жанговар қуролларни ишлатишни пухта билиши шарт экан. Амир Темурнинг наваркарлари жуда қаққон, зил-замбил қиличларни усталик билан ишлатиб, душманга даҳшат билан ташланар экан. Мен ҳам ана шундай моҳир аскар бўламан.

Ширин опа ўғлининг ёниб айтган гапларини жиддий қабул қилмади. Мактабни битирунча фикри ўзгарар деб ўйлади. Кўз очиб юмгунча ўқувчилик даври ҳам ўтди. Баҳром давлат имтиҳонларини аъло баҳоларга яқунлади. Ширин опа ишдан қайтиб, ўғлининг хонасига кирди-ю, ханг-манг бўлиб қолди. Хона ўртасида иккита каттакон қўти. Улар ўғли ўйнаб катта бўлган ўйинчоқ қуроллар билан лиқ тўла эди.

— Тинчликми, болам? Ўйинчоқларни нимага йиғиб қўйдинг?

— Уларни болалар боғчасига совға қила-

ман. Барибир эртага ҳарбий билим юртига ўқишга кетсам, ўйинчоқларим уйда “зерикиб қолмасин”, дейман-да, — жилмайди Баҳром.

— Нега қайсарлик қиласан, ахир биттагина ўғлим бўлсанг! Биз сенсиз бу ерда қандай ишаймиз? Яхшиси, молия институтига кира қол, — ўғлининг кўзларига илтижоли тикилди Ширин опа.

— Ойижон, ахир ўзингиз доим йигит киши Ватан кўриқчиси, метин иродали бўлади, ота-онасини қандай севса, Ватанини ҳам шундай севади, уни кўз қорачиғидай асрайди, деб ўргатгансиз-ку. Мен саркарда Собир Раҳимовдек генерал бўлмоқчиман.

— Болам, Худога шукур, юртимиз мустақил. Ҳаётимиз тинч, фаровон. Ғанимларимиз бўлмаса, уни кимдан ҳимоя қилмоқчисан?

Ойижон, тўғри айтаси. Биз тинчлик тарафдоримиз, юртимизнинг тинчлигини истаймиз.



Бироқ ана шу тинчликни унинг ўғлонлари — ҳарбийлар асрайди-да! Ҳарбий зобит бўламан!

Ўғлининг феълени билган Ширин опа ортиқ қаршилик бидирмади.

— Дадажон, ойижон, мени табрикланг, ўғлингиз энди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти, — юзи иссиқдан бўғриқиб кетган Баҳром аввал онасини, кейин дадасини маҳкам кучоқлади... Уч йил кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди. Баҳромжон ҳам жисмонан, ҳам фикран чиникди. Қадам ташлашдан тортиб, қарор қабул қилишлари ҳам шахдамлашди...

— Ойижон, капитан ўғлингиз Баҳром Жўраев разведкачилар йиғилишига қатнашиш учун бир ҳафтага Тошкентга, ихтиёрингизга келди, — аста онасининг кўксига бош қўйди Баҳром овози титраб.

Ширин опа ўғлининг баҳор офтобиди қорайган юзига, қабувват елкаларига, ўзига ишонч билан қақнаб турган кўзларига узоқ тикилди, меҳр билан бағрига босди...

— Мен француз, немис тилини ўргандим. Швейцарияда малака ошириш даврида машхур рус саркардаси Суворов ошиб ўтган Алп тоғларида бўлдим. Буни қаранг, миктигина саркарданинг Ватанига бўлган чексиз муҳаббат ўрнашган қалби кенг бўлган экан. Унинг ирода-сига, ғайратига ҳавасим келди. Биз ҳарбийлар ҳам Ўзбекистонимизни ана шундай улкан меҳр билан севадим. Унинг озодлигини асраш учун жонимизни беришга ҳам тайёرمىз! — Баҳромжон дадасига ёш боладай эркаланиб, мушаклари ўйнаган билакларини кўз-кўз қилди.

— Кўряпман, ботирим, энди қоронғидан кўрқмайдиган бўлибсан, итларни, дайди итларни ҳам...

— Дайди итингиз нимаси, дадаси, — чимирлиди эрининг гапи ёқмаган Ширин опа.

— Ойижон, юртимиз озодлигига кўз олайтирган кимсаларнинг дайди итдан қаери кам? Сурхондарёнинг Саросиё туманидаги террористик ҳаракатлар эсингиздами? Ўшанда мен каби ҳарбий йигитлар Ўзбекистоннинг қудратини уларга кўрсатиб қўймадими, дайди итдек

қувиб солмадими?

— Ўшанақа ғаламислик ҳаракатларидан асрасин, — деди Ширин опа хўрсиниб. — Ўша тўқнашувда ҳалок бўлган аскарларни Ватанимиз ҳам, халқимиз ҳам унутмади. Аммо ҳалок бўлган аскарлар оналарининг аҳволини ўйласам, ёвузларга лаънатлар ўқийман. Ишқилиб, энди уруш бўлмасин, оналар кўз ёш тўкмасин. Дунёдаги энг оғир, аламли дард бу фарзанддан жудалик доғи. Худойимдан тинимсиз сўрайман, энди дунёда уруш бўлмасин.

— Ҳа, баракалла, уруш бўлмасин, — деди Улугбек ака хотинига бас қил, дегандай ишора қиларкан.

— Ойижон, дадажон, эртага мен Фарғонага — ҳарбий қисмига жўнаб кетаман.

— Йўғ-э, Хотира ва қадрлаш кунини ўтказиб кетмайсанми? Тоғангни бориб кўришинг керак, — ўрнидан туриб кетди Ширин опа.

ҚИЗҒАЛДОҚЛАР ЙИҒИСИ

халқимиз тинчлиги ва
осойишталиги йўлида
ўз бурчини ўтаётиб
қаҳрамонларча ҳалок бўлган
тошкентлик ҳарбий ўғлон —
капитан Баҳром ЖўРАЕВ ёди



мурод Абдужабборов етакчилик қилаётган вазоднинг шунқорлари. “Онажон, кўрдингизми, ҳалиям мустақиллигимизни кўролмайдиган, ёвуз ниятли кимсалар бор. Аммо сиз ҳам, халқимиз ҳам хотиржам бўлаверинглар, биз албатта бу ёвузларни кунпаякун қиламиз”, ўйлади Баҳром. Кейин беихтиёр осмонга қаради. Ҳаёлида ой ҳам уларга эргашаётгандек, улардан нажот кутаётгандек эди.

— Капитан Жўраев, жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун “Чўлпон” кўчасидаги йўлга блок-пост ўрнатамиз. У ерга сиз бошлиқ этиб тайинланасиз, — деди бўйруқ оҳангида катта лейтенант.

Баҳромжон дарҳол топшириқни бажаришга киришди. Ўт очиш нуқталарини зарур муҳандислик ашёлари билан таъминлашга бош-қош бўлди. Ҳар бир посбонга қайси маррани эгаллаши ва қандай кузатув олиб боришни ўқтирди. Вазият тақозо қилса, отишмада ва босқинчиларни қуршаб олишда қандай ҳаракат қилиш зарурлигини йигитларга ҳижжалаб тушуинтирди. Орадан бирор соат ўтиб, “Чўлпон” театри томонидан ғала-ғовур, шовқин-сурон эшитилди. Кейин саросима ва ваҳимага тушган одамлар кўринди.

— Ўртоқ командир, ахир олдинги қатордагилар шу ерликлар-ку! Уларни қандай кутқарамиз? Уларга қарата ўт очмаймиз-ку, тўғрими? — деди йигитлардан бири унинг ёнига югуриб келиб.

— Тинчитамиз, босқинчиға шафқат йўқ! Лекин қандай қилиб... — у автоматини душман томонга тўғриларкан, сесканиб кетди. Босқинчилар қалқон қилиб олган эркалар кўзига отаси, аёллар онаси бўлиб кўринди. — Уларга қараб ўқ отиб бўладими? — титраб кетди у. — Аввал бу бегуноҳларни кутқариш керак. Қандай қилиб? — Баҳром ўйлар исканжасида қолди. Бироқ иккиланишга вақт йўқ. Ёвузлар тобора яқинлашарди. Аммо қўл остидагиларга сир бўл бермади.

— Ваҳимига берилманг. Биз аскармиз. Ўзингизни нихоятда хотиржам кўрсатинг ва уларга ажратилган коридор орқали хавфсиз жойга ўтказиб қўйинг! — қатъий оҳанда деди у. — Ҳамма ўз маррасини эгалласин.

манипулятив контент таъсирига берилмайди.

Эсплатиб ўтиш жоизки, ёлгон маълумот тарқатиш, давлат сирини ошкор этиш, омма орасида ўзаро келишмовчилик келтириб чиқарувчи хабарларни ёйиш қонунан ман этилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244-6-моддасига мувофиқ, шахснинг кадр-қиммати камситилишига ёки унинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган ёлгон ахборотни тарқатиш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўпланилганидан кейин содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир ўз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёҳуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилгача озодлиқни кечлаш билан жазоланади.

Ахборот соҳасидаги глобаллашув қанчалик юқори қўққига чиққанини бугунги кунда миллионлаб ёшларнинг ҳар бир киши интер-

**Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2005 йил
23 майдаги Фармониға
мувофиқ, давлатимизнинг
миллий хавфсизлиги,
халқимиз тинчлиги,
осойишталигини муҳофаза
қилиш ҳамда хизмат
бурчини бажариш чоғида
мardлик, жасорат ва
фидойилик кўрсатгани
учун Шарқий ҳарбий
округ штабининг бўлим
бошлиғи, марҳум Баҳром
Жўраев II даражали
“Шон-шараф” ордени
билан мукофотланди.**

Зим-зиё тун ваҳимасини ўт-ўланлар орасидаги чигиртқалар ҳам сезган, шекилли, папартиш ҳар томонга сакрай бошлади. Шу пайт кинотеатр томондан тартибсиз отилаётган ўқ овози эшитилди. Ортидан — қўлига автомат, снайпер милтиги ушлаган, пистолет, гранаталар, ёнувчи аралашмалар тўлдирилган шиша идишлар билан қуролланган совуқ башарали кимсалар кўринди. Даҳшатлиси, бу олқоқлар бир гуруҳ гаровга олишган кишиларни ўзларига қалқон қилиб олишганди. “Ярамаслар, зўр бўлсанг, яккама-якка чиқмайсанларми, аналарингни кўрсатмаймизми?” — нафратдан юраги қафасидан чиқиб кетгудай бўлиб пичирлади у.

Мальунлар: “Ҳокимият бизнинг қўлимизда, бизга қўшилинглар!” — деган даъват билан блок-постга яқинлашди.

Капитан ўзини йўқотмади, йигитларига керакли кўрсатмаларни берди.

— Аслида, сенга ўхшаган хоинлар билан гапллаштишни ўзимга ор деб биламан. Бироқ сенлар бегуноҳ инсонларингнинг тирик қалқон қилиб олгансанлар. Биз сенларга ўхшаб бегуноҳ кишиларга ўқ отмаймиз, — ғазабини ичига ютиб уларга қарши тик борди. — Тинч йўл билан қуролларингизни топширинг. Гаровдагиларни қўйиб юборинг!

Бироқ номард босқинчилар номардлигини қилди. Ўқ ёмғирини ёғдирди. Капитан Жўраев оғир яраланиб, ерга йиқилди. Аммо қаддини тиклашга уринди, қўл остидаги взвод йигитларига кўрсатма, йўл-йўриқ беришга ўзида куч топа билди. Бундан руҳланган аскарлар ўзлари учун қўлай тактик маррага ўтиб олишди, қақшатиқ зарба беришди. Жангариларнинг кўпчилиги махв этилди. Улар ҳаракатини тўхтатишга эришилди. Гаровга олинганлар озод қилинди. Отишмалар давом этаётган жанг майдонида ҳушини йўқотаётган Баҳром хираллашиб бораётган кўзларини осмонга тикди. Ўзи яхши кўрган Оймома бир пайтлар ўзи билан қувлашмачоқ ўйнаб юргурган, балкон деразасидан осмонга тикилиб, у билан ўзоқ-ўзоқ суҳбатлашган қаққон эркатойи Баҳромжонга қумак беролмаётганидан, уни ҳали тўйиб улгурмаган ҳаётда олиб қолишга илож тополмаганидан уялгандай бўлутлар орасига беркинди.

— Болам, Баҳромжон, кўрқма, мен шу ердаман, — Баҳромжон жон талласасида онасининг овозини эшитгандай бўлди, қучур нафас олди ва она тупроққа хотиржам бош қўйди. Ундан сал нарида — майсалар ичидаги лопақиз-галдоқлар баҳор шабадасиданми ёки ўқ овозлариданми енгил титради, уларнинг қондай қип-қизил гулбарглари умрининг йитирма бешинчи баҳорини ишонлай олмай мангуга кўз юмган капитан Баҳром Жўраев билан видолашгандай юз-кўзларига, қондан қизарган ҳарбий формаси устига оҳиста қўнди...

Муҳаббат ҲАМИДОВА.

БУГУННИНГ ГАПИ

Бугунги кунда инсоният ҳаётининг деярли барча соҳалари рақамлаштирилмоқда. Ўтган асрлар билан таққослайдиган бўлсак, ижтимоий ҳаёт, шаҳарлар ҳудудининг кенгайиши, маданият, тиббиёт, фан ва таълим, ахборот технологиялари каби бир қанча соҳаларда сезиларли ривожланиш кузатилди.

Интернет, сунъий интеллект, ижтимоий тармоқлар ва турли ахборот платформалари кундалик турмушимизнинг ажралмас қисмига айланди. Айниқса, ёшлар замонавий технологияларнинг энг фаол фойдаланувчилари ҳисобланади. Тарқатилаётган контент ва хабарларга тез муносабат билдирадиган, уларни кенг муҳокама қиладиган энг фаол аудитория ҳам айнан 18-35 ёшдагилардир.

Бироқ бу давр ўзининг кенг имкониятлари билан бир қаторда, салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқармоқда. Глобал тармоқланиш ва сунъий интеллект ривожни тафаккурнинг қисман султалашувиға ҳамда турмуш тарзида ижтимоий муносабатларнинг тубдан ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Шу боис рақамли даврда ёш авлоднинг ахборот маданиятини шакллантириш энг долзарб вазифалардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Зеро, сохта ахборотлар (фейк), киберфизикбаргилар, зарарли гоғлар, интернетта қарамлик ва шахсий маълумотларнинг ошкор бўлиши каби хавфлар ёшларнинг маънавий ҳамда интеллектуал ривожига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.



Бунинг олдини олиш учун эса ахборот маданиятини юксалтиришимиз зарур. Ахборот маданияти деганда, инсоннинг ахборотни излаш, саралаш, таҳлил қилиш, ундан оқилона фой-

даланиш ва уни масъулият билан тарқатиш кўникмалари тушунилади. Бундай маданиятга эга бўлган шахс ҳар қандай маълумотнинг ишончлилигини текширади, ёлгон хабарлар ва

нетдан фойдаланишда ўтаётганидан ҳам англаш мумкин. Шундай чигал ва мураккаб шароитда биз учун энг муҳим вазифалардан бири — ёш авлоднинг онги ҳамда қалбини ёт гоғлардан, мафқуравий таҳдидлардан асраб-авайлашдир. Бунинг учун китобхонлиқни тарғиб қилиш, маънавий-маърифий тадбирларни кўпайтириш ҳамда фойдали рақамли контент яратишни қўллаб-қувватлаш ахборот маданиятининг ривожланишига хизмат қилади. Оила ва жамият ҳамкорлиги эса бу борадаги ишларнинг самарадорлигини янада оширади.

Шу жиҳатдан, ахборот маданиятини ривожлантириш жараёнини изчил давом эттириш, уни таълим тизими, оилавий тарбия ва кенг жамоатчилик иштирокидаги комплекс ёндашув асосида такомиллаштириш бугунги куннинг энг масъулиятли вазифаларидан биридир.

Сайёра УМАРОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети халқаро журналистика
факультети талабаси.

Кۈш тошлоқ йўл бўйлаб кўкка бўй чўзган теракларнинг тиззасига тушиб, бир лаган чўгдек қизариб ботаркан, миямдаги бир саволнинг, балки, бу савол эмас, ажабланишдир, хуллас, фикрга ҳаёлимни эггаллаб олган шу жумбоқнинг ечимини излаб, бۇзогини кўздан қочирмасдан тобора уйга яқинлашаётган оқ сигиримнинг ортидан эргашиб борардим.

Сигирни бостирманинг тагига боғлаётганда ҳам, онам сۈт соғаркан, буюкни ўшлаб турганда ҳам, юз-кўлимни сатилдаги сувга апил-тапил юваётганда (гарчи бу қилигим учун мудом танбەҳ эшитсам-да), зангор экрандаги “хон” сигаретининг рекламасига оғзим очилиб, лаби учган тош қосадаги шўврага нон тўраётганда ҳам мени таажжуб тарқ этмади.

Фақат тўшакка қирарканман, роса чарчаган экан-манми ёки тушликдаги бир туор нон ва пиеъга ичим чикмагандан кечга бориб силлам қуриган, шекилип, тахтадай қотиб ухлабман.

Аммо мактабга кетаётганда фақат шу ҳақида бош қотирардим. Нега “Бўлтак”? Нега Анвар эмас, нега Зокир эмас? Анвар акам амакиваччам бўлади. У ўйланган, янгамни “опа” дейиш жуда ёқади. Аммо янгам бунга кўнмаяпти. Хуллас, Анвар акам ўқтам йигит. Унинг келишган бўй-бастн, ўткир нигоҳлари, овози ҳам рисоладагидек. Топиш-тутиши ҳам яхши. “Анвар” — мана ҳақиқий жарангдор исм. Исммисан исм!

“Зокир”-чи, Зокир ака шаҳарда ўқийди, пўрим кийнади, ўта маданиятли. Маданият тимсоли деса ҳам бўлади. Тўй-маъракада қишлоқдошларга ишни шундай тақсимлайдики, “отанга раҳмат!” деб юборасан киши. Исмини Зокир кўйгани яхшироқ эди, ҳар қалай, эртага унинг исми масҳара қилинмайди, “Зокирга ўқшамай ўл!”, “Зокир сирқовмисан?”, “Зокирга ўқшаб сасиб ухлайверма” демайди оталар фарзандларига.

“Бўлтак” — шу ҳам исм бўлдими? Нимадир ўхшамаса, бирор ишининг пачаваси чиксагина бу исм тилга олинади, холос. Ҳар қандай палакат босган жойда бу ном оғизлардан нафрат аралаш отилиб чиқади. Ўз йилдан бери мактабга қатнаб чизган ва уч қишлоқдан иборат ҳаёлий харитамда ҳам бу исм якка-ю ягона эди.

Дарсда ҳам икки марта дакки эшитдим. Бир сафар устоз қوشимга келгунча сезмабман. Қўлогимдан чўзиб туризгаганданиа дардсдан ҳаёлларин билан бўлиб, қосдадаги мисолларни кўчирмаганимни англадим. Энди эса “янги меҳмон”ни кўргани оши-янгам.

Мўътабар опа — ҳоламнинг қизи. У ўтган йили қишлоғимизга келин бўлиб тушди. Қадди-қомати келишган, кўзалари маъноли, ўзи бугдойранг қиз эди. Келин бўлиб тушгач, янада чиройи очилиб, Саттор акани ҳам юмшоқ супурги қилиб кўйди. Кўчада ҳеч кимга пар бераймидиган Саттор ака, тўйларда жо-жорнинг бошида турадиган Саттор ака, хуллас, Ге-ракл рамзига айланган Саттор ака хотинини сизла-ганига ўлайми? Майли, нима бўлган тақдирда ҳам улар иноқ оила. “Келин ҳам кўвнингн хурматини жойига қўяди, қуёв ҳам келинни бошига кўтарadi”, дейди онам улар ҳақида қат очилганда.

Аммо шундай оиланинг фарзанди Бўлтак бўли-шини тасаввур қилолмасдим. Балки мол боқишдаги болалар мени алдагандир, ўзи уларга менинг устим-дан қулишга баҳона керак эди. Шутин ўйнаётгани-мизда бармоқларим узунлиғи кўл келиб, ҳаммани ютаверганимдан, уларнинг пайтавасига ўт тушган.

Ўзи жуда оддий ўйин. Эсимни танибманки, бўша-ган гугурт қутиларнинг икки ёнини қолиб ташлаб, шу-тин ясайман. Қишлоқдаги ҳамма болалар шундай қилади. Кимнинг шутини кўп бўлса, ушанинг ошиги олчи бўлади. Уч-тўрт бола уймалашиб, биттадан шутин тикамиз, уларни текис қилиб ерга тахлаймиз. Ҳамма устидан бир-бир босиб зичлайди, баъзилар пичирлаб дуо ҳам ўқийди. Аммо барча қилинган тад-бирлари менинг бўйсўнақай кўлим, яъни узун бар-моқларим ва туюдай букчая оладиган кафтим бар-бод қилади. “Пўк” этган овоз чиқади, тамом. Тикил-ган шутинлар ҳар тарафга сочилиб, чаппа бўлиб қолади. Шунинг нимаси қийин? Тенгқурларимнинг қошиқдек кафтлари шу ишни элполмасди, холос.

Шутиндан ютолмасди, мени ўйинга қўлиғси кел-масди. Имкон тугилди дегунча, устимдан қулишга, масҳаралашга киришиб кетарди (у пайтлар кўрол-маслик инсониятнинг қон-қонига сингиб кетганини

БЕК АЛИ ТОҒА

қарердан билибман?). Улар алдаган бўлишини ич-и-чимдан истардим. Шундай бўлиб чиқishi айни муд-дао эди ўшанда.

Опоқк матога ўралган чақалоқнинг жажжи кўл-ларини лабимга босарканман, у ҳақида ёмон фикрга борганим учун ерга қириб кетгудек бўлдим. Унинг исми менинг тасаввуримни шу қадар қабиҳ қилиб ташлагандики, мен Мўътабар опанинг кўлидан уни авайлабгина оларканман, қучоқлаган, ўпган, кўл-ларини лабимга босишига имкон берган киши бўлиб, унда нуқсон йўқлигига имомон қомил бўлмагунча онасига қайтариб бермадим. Тоқати тоқ бўла бош-лаган Мўътабар опа тилга кирди.

— Балки Хадича опамга айтарсан... — деди му-лойим жилмайиб. Хадича опа — менинг онам.

— Нимани? — дедим боладан кўзимни узмай. Энди чақалоқнинг кўзлари чиройли эканини фахм-лаб, катта қорачиқларига мафтун бўлардим.

— Ука олиб келишини. Қара, чақалоқ кўтаришини ҳам биларкансан, ҳам меҳрибонсан.

Чақалоқни рисоладагидек кўтарганимга ишон-масдим. Бироқ савқи табиий бу ишни удаладирим айлн пайтда. Жавоб қайтармадим. Бунақа гапларга жавоб қайтаришга ҳали ёшлик қилардим. Юзим қи-зиди, қизарган бўлиши ҳам мумкин. Болани юзимга яқинлаштириб ҳидладим. Катталар “чақалоқдан жаннат ҳиди келади” дейди. Гарчи мен жаннат ҳи-дини билмасам ҳам, чақалоқларни ҳидлаб кўра-ман-да, жаннат ҳақидаги тасаввуримни шаклланти-раман. Чақалоқдан қанақа ҳид келишидан қатъи на-зар, демак, жаннатнинг ҳиди шу деб кетавераман. Улардан кўнучна сунтинг ҳиди келади.

У йилгай бошлади. Шунда билдимки, Мўътабар опа айтганчалик чақалоқ кўтаришга укувли эмасман. Бу йўлига қилинган мақтов эди, холос. Уни онасига

топширишим билан тинчиди. Энди бора қолай, деб ортага қайтмоқчи эдим. “Бунинг кўрманасини бермай-санми?” — деган саволга тайёр эмаслигим, дўкон-дан ҳам бирор нарсa қўтариб келмаганим учун ко-йиндим. Отам яқинда олиб берган тахтадан ўйиб ясалган бежирим ғаладоним кунимга яради. Худди буни аввалдан ўйлаб қўйгандек, сумкамдан чиқар-дим-да, ичидаги иккита қалами билан узатдим.

— Буни менинг бўйсўнақай? — бир қўлида бола, бир қўлида ғаладонни айлантириб томоша қиларкан, сў-ради Мўътабар опа.

— Атайлаб ғаладон олиб келдим. Ўқимишли бў-лади... Худди Зокир акага ўхшаб... — ихраган то-вушда қикди охирги жумлалар. Оз қолди, сал бўл-маса, ўзимни сотиб кўярдим.

— Раҳмат, тоғаси. Айтганинг келсин! — Мўъ-табар опа табиий гапирарди. Менинг чақалоқни кўр-гани келишим у учун кўнгида инсонпарварлик уруғи

ниш ураётган бир боланинг навбатдаги хоҳиши эди. Қанийди, шундай бўлса, қанийди, фақат шутинга эҳ-тиёж мени бу ерга бошлаб келган бўлса.

Бахтиёр она билан хайр-хўшлашиб ортимга қай-тарканман, кўча бўйига қурилган тандирнинг ёнида тўхтаб, ортага қайрилдим. Мўътабар опа ҳали мен-дан нигоҳини узмаган экан. Унинг нигоҳларида би-ринчи марта заифлиқни кўрдим. Демак, оналиқнинг биринчи белгиси — заифлик.

— Исмини сўрамабман... — дедим ўзимни гус-тохларча тутиб.

— Бўлтак! — Мўътабар опанинг оғзидан чиқ-қанда бу исм у қадар ёмон эшитилмас экан-у, бари-бир, асабимга теғди.

Уйга йўл оларканман, энди дунёга келган болани бу қадар таҳқирлашга кимнинг ҳадди сиқанини ту-шунолмасдим. Энди Бўлтак бова ҳақида ўйлардим. Қа-л, у ёмон одам. Жуда ёмон. Чунки у лаган ўғирлаб ҳамалар. Паст одам. Отам шундай деганди бир са-фар қўшнимиз Чори бова билан гаплашиб турганда. Яна у саводсиз, ҳатто исмини ҳам ёзолмайдиган да-ражада саводсиз. Отаси қуриб берган икки хонали ўйининг битта йиғиштни ҳам ўзгартирмаган. Битта ка-так ҳам кўрмаган. Топган пулига ароқ ичади. Одам-ларнинг ўлда-жўлда юмушини бажариб кун кўради. Анкироқ, кунини кўради. Бережа туғилган уч бола-нинг еяр-ичари хотиннинг зиммасида. Аёл боёқши болалари мактаб билтурвечиси бўлишига қарамай, уш кун эриникида бўлса, тўрт кун отасининг уйда. Қачон қарасанг, юзи кўқарган, кўли гипс. Аммо ўз қисматига кўнган. У ҳақида ўйларканман, жоҳил-ларни Худо сийлайди, дейман. Бўлтак бовадек одам ҳам ўз жуфти билан яралган, дейман. Тинимсиз меҳнат қилади хотин шўрлик. Нима меҳнат қилади, дейсизми, аёллар мардикор бозорига чиқади. Икки

йиллар бурун Россияга ишлашга кетди, бир йилда қайтиб келди. Кетаётганда туюдай хотин эди, қайт-ганда сувга тушган мушукдай хаста бўлиб қайтди.

Болаларнинг кўнгли синган. Ўқиши ҳам чатоқ. Улар ҳам мактабга онда-сонда борса боради, бор-маса, одамларнинг уйида дастёрлик қилиб, бир-икки сўм ишлаш пайида бўлади. Бошқа йўли ҳам йўқ-да, онанинг дори-дармонига ота пул бермагач, бола-лар, ҳеч бўлмаса, қора қозонга тузқуқроқ масаллик солишга уринади. Она боёқшн яхшироқ таом еса ҳам хурсанд эмиш.

Шу ҳолида ҳам Бўлтак бова қайфи таранг бўлиб келиб, дўппослаб қолади. “Қамокдан қайтгач, нер-винний бўлиб қолган”, дейди одамлар. Баъзилар раҳми келиб, “Эҳ, зўр йигит эди”, деса, бошқалар: “Уша пайт ҳам гўр эмас эди”, дейди. Мен у кишининг зўр йигитлигини кўрмаганман. Умуман олганда, мен ҳали у кишини — Бўлтак деган махлуқни учратма-ганман. Тасаввуримдаги Бўлтак номли қиёфа катта-ларнинг суҳбати асосида тикланган.

Шунақаси бўлади-ку, масалан, синфхонамиз-даги досканинг тепасига Навойи сурати осилган. Гарчи у одамни кўрмаганман. Аммо ҳамма уни яхши одам дейди. Шеър ёзган, улуг бобомиз дейди. Ях-шидирки, яхши дейди. Яхшидирки, беш аср олдин яшаб ўтган одамни устозимиз худди кўргандек, ти-лидан бол томиб таърифлайди. Унинг туғилган ку-нини-чи, бутун мактаб нишонлайди. Ҳамма яхши дегандан кейин мен ҳам яхши дейман-да, мен ҳам шеър ёзишни, менинг ҳам туғилган кунимда бола-лар дарсдан овоз бўлиб, тадбир томоша қилишини истайман-да. Фақатгина Бўлтак бова буни иста-майди. У Навойини, шундай яхши одамни танимаса ҳам ҳайрон қолмайман.

Бўлтак бованинг ёмонлиғи, ичкиликка берил-гани, масъулиятсиз экани ўз йўлига. Аммо менинг жияним, ҳа, жияним... Ахир Мўътабар опам ўз озғи билан “Тоғаси” деди-ку. Хуллас, жияним Бўлтак бў-лиши мени бахтироқ қилди. Энди мактабда, мак-таб ҳам майли, мол боқишда қандай бош кўтариб юраман?

Айни дам йўлга яқинлашарканман, кўчани бо-шимга кўтариб йилгагали келарди. Қариндошларим-нинг ичнда ҳам Бўлтак борлиғи ҳўрлигимни келти-риб, дарди-дунёمنى қоронғи қиларди.

— Бу дунёда бошқа исм қуриб кетганми буларга, а? Нега айнан Бўлтак?

Онамга йилмасираб берган бу саволим бошимга бало бўлди. Суҳбатимизни отамга айтиб қўймас-лиғи учун нақ бир ой мўмин-қобил бўлиб, буюрил-ган ҳамма ишни, бош тортайм, чин кўнгилдан бажа-рардим. Мол боқишдан тортиб, уйни супуриб-сиди-ришгача. Уйимизда қиз йўқлиқи сабаб бу ишни укам билан навбатма-навбат бажарардик. Табиийки, мак-табдан чарчаб қайтган онам уйнинг чиннидек тоза турганини кўраркан, юзямдан ўлиб кўярди. Мен эса суҳбатимизни унутган ё унутмаганини билиш учун нигоҳларини уқлишга чиранардим.

Мол боқишга имкон қадар укамни юборардим. Онда-сонда бориб қолсам ҳам, шутин ўйнашни бил-майдиган ичқировалар “Бўлтакнинг тоғаси келди” деб устимдан куларди. Бу қанда давом этганини ҳозир аниқ осполмайман. Бироқ гўнчада жуда раҳимм кел-гани, ҳар сафар уни кўргани борганимда, “О, бечора бола, нима гуноҳинг қор эдики, исминг “Бўлтак” бўлди? Шу қадар шўрлешона бўлиб келганмисан бу дунёга?” деган нолишлар қувончимга соя соларди.

Аммо унинг онасига ўқшаб бугдойранг, отасига ўқшаб Геракл бўлиб улғая бошлагани мени қувонти-

Хивадаги тўқимачилик ширкатининг директори Гулмирза Оврўпа сафарига отланмоқда эди. Лекин борар манзилдаги одамларнинг тур-муш тарзи тамоман бегона бўлганидан ташвишга тушиб қолди. Тараққий этган оврўпаликларнинг кўнглини олиш қандай бўлади? Шунга бир ечим топиш керак. Қўлчалли меҳмон суймали бўлишини би-лади. Икки кўлини буришга тикиб боравериши яхши-мас, ўзимизда ҳам уят саналади. Муаммо шундаки, нарсa-қорани сотиб опар, аммо уларнинг тилини то-пиб, кўнглини олиш осон ишмас. “Уларнинг қимли-гини билмас эканман, лоқалб ўзимни яхшироқ таниб олай”, деган фикр миясига урилди.

Тадбиркорнинг эса ҳар қадамидан бир манфаат топиш мақсади бўлади. Биринчи боришда ҳамқор-ларининг хурматини қозонса, келажакда эши нарсa-ларга эришиш учун кенг имкониятлар эшиғи очи-лиши нақд, деган ўйда ҳаракатга тушди.

Очиғи, шу ёшга кириб, лоқалб ўзи туғилиб ўсган юрти ҳақида жўяли сўзлаб беришга қодир эмасли-гидан уялиб кетди. Эртадан қолдирмай она шаҳри-даги тарихий манзил-мақонларнинг бир нечтасини обдан ўрганади. Бегона одамлар билан шунақанинг мавзуларда суҳбат қуриш қўлай. Оврўпаликларнинг аксарияти ялтир-юлтурса ўч бўлмай, содда ва асл нарсaларга шинавандаллигини эшитган. Шуларни ўй-лаб, оддий одамларга аралашиб, ҳақиқий ҳаётни ку-затишга қарор қилди. Азонлаб яёв савҳатни бекат-дан бошлади. Кўп куттирмасдан шоҳларини штир-латиб троллейбус келиб тўхтади. Троллейбус тезда шаҳарга кириб бораркан, шигиллаганча бир оқимда сузмқда, ҳали салонда йўловчилар санокли бўл-гани боис, бемалол қомшоқ ўриндиққа жойлашиб ол-ганча атрофга кўз қирини ташлайди.

Мундоқ ўйлаб қараса, яқин ўн йиллардан буён жамоат транспортига ҳам чикмаган экан. Бир томон-дан, бу юришидан завқланаётган бўлса, бошқа то-мондан сайёҳлар шу тарзда шаҳарни томоша қили-шини кўз олдига келтириб, ҳаяжонни ортиб бормоқда. Ўқиган ва эшитганлари ҳақида ўйлаб, ҳаёлида жо-налпирмоқчи бўлади-ю, афсус, ёрқин тасаввур йўл, “Яхши билмаганинг учун тасаввур қилишинг ҳам қий-ин кечмоқда”, деган ўйда узини ёзғириб қўйди. Бир тангани ҳам тингага айлантириш йўлида бош қоти-рибди-ю, ўша тангаларни қўлида тутган одамлар-нинг истаклари ҳақида ҳеч қизикмаган экан. Сал жиддий ўйласа, тадбиркор учун кўнгилларни билиш ҳам асқатаркан. Дунёга чиқши учун бари керакмиш, дея афсус билан ҳаёл суриб борарди.

Ташқаридаги манзара эътиборини тортиди. Кўп қаватли бинолар бирин-кетин ён-веридан ўтаркан, мисоли узундан-узун карвон кетиб боришини ёрқин тасаввур қилди. “Мана сизга тарихнинг жонланиши, фақат шакл ўзгарган”, дея ўз ўйидан завқланиб, ойна-га яқинроқ сурилиб олди. Бир-биридан ажойиб манзаралар.

Иттифоко, ажибдан-ажиб манзаралар жозибаси-дан тарих бўй-бастн билан шундоққина кўз ўнгига қад ростлагандек бўлмоқда. Ҳаддан ташқари ҳаёлга берилганча, “Ухху, нақадар жозибадор қадим мада-ният”, дея ич-ичидан бир сас тўгди. Бу нидо ихтиёр-дан ташқари бўлган кўнглининг инжа торлари садо-симиди — равшан англаёлмади. Ҳеч ҳаёлига кел-маддики, бу қадим шаҳарнинг бутунини жозибадор қилиб кўрсатаётган улкан ва ултувур кечмиши. Туй-ғуларнинг нафис торларини тебантириб юборган хоразмийлар маданиятининг ҳайбати кўз қорачиқла-рида учқунлагандек бўлди. Шаҳарга қираверишдан бошлаб янгидан-янги иморатлар, кўнгилоқлар мас-канлар, университет бинолари-ю катта-кичик шир-катларнинг офислари қабилирнинг барчасини меҳ-

монлар ё бошқа юртлардан келган сайёҳ каби ай-ланиб юрди.

Лекин энг ҳайратланарлиси бу ёқда экан: Ичан-қалъа! Ҳар бир гишти доғлагли ўтмиш юкларидан инграб-инграниб сўзлаётгандек бўлаверарди. Ҳар бир бинодаги ёғоч тўсунларнинг қисирлашларида ёниқ-ёниқ маърифат садолари жаранглаб кетгандек бўлаверарди... “Одамлар сен бўлишга орузласа, сен ким бўлишга тиришиб ётбсан, эй асли-наслига бе-писанд нодон?” — дея бошини сарак-сарак қилиб, ўз-ўзини қойиркан, аждодларининг хокини қучган иморатларга ғамгин тикилиб: “Эҳ, аттанг, узр тилай-ман, улуг боболарим, мунис момоларим”, дея пи-чирлади.

Эртаси тонг саҳар самолётга ўтирди. Бир қанча вақт самони кезди, булутлар устида сузди. Ва ни-



хоят, заминга яна қайтиб тушди. Орадан кўп вақт ў-гани йўқ. Тунда осмонга кўтарилган бўлса, чошгоҳ маҳали гўё ўзга бир оламга бориб қолгандек эди. Мюнхен халқаро аэропорти: гиж-гиж одам, само-лётнинг бири келиб кўнмоқда, бошқа бири ҳавога кўтарилмоқда. Ҳаёт қайнаган, бегона дунё турмуш тарзи кўзга яққол ташланади; либосидан тортиб тўр-ва-халтасигача, тилини-ку, асти қўяверинг! Лекин бу ерда ҳам одамлар бир хилда нафас оларкан, бир хилда қадам ташларкан, тирикчилик тартиботида ҳеч бир фарқ йўқдек.

Йўл кўрсатувчи билан шаҳар марказига жўнади. Ажнайиб шаҳарнинг ғаройиб кўчалари. Шаҳар мар-кази томон яқинлашган сайин биноларга ҳайрон бо-қади. Гўёки қадим ва янги, ўтмиш ва бугун қоришиб кетгандек. Синчков назар солиб кўрдикки, юз йиллик-лар наридан хабар бераётган биноларда ҳам бугун-чинг нафаси уфуриб турганидан ажабланади. Нега музейга айлантирилмаган, деган ўйни ўйлади-ю, шу заҳоти йўл кўрсатувчи бир гап айтиб, буткул чағли-ти ёборди. Ҳашаматли меҳмонхонага етиб келиши билан хонага жойлашгач, ҳодим бир соатдан кейин олиб кетишини билдириб, қичиб кетди.

Гуллирза бўйига немисча тартибга риоя қилган ҳолда, аввалига ўзига тегишли вақтни тақсимлаб олиб, ҳаракатга тушди. Ювиниб, бироз нафас рост-лаган эдики, олдин ҳам эмас, кейин ҳам эмас, рол-па-роса айлтган пайтда ҳодим хонага кириб келди. Ажабо! Бунақа сўзга содиқлик, аниқлик ноёб ҳодиса! Меҳмонхонадан кўп узоқ юрмасларидан, машина ҳайбатли бир бинонинг олдига қилиб тўхтади. Гуп-

мурза бинонинг учига кўз қирини ташламақчи бўл-ганди, бўйин томирлари тортишди. Беихтиёр ноў-рин қилган ҳаракатидан жилмайиб қўйди. Ичкари кириб, ўттиз тўрттинчи қаватга кўтарилганда компа-ния офиси деразасидан шаҳар кафтдагидек қўри-ниб турарди. Аввалига уни қаҳва билан сийлашди.

Маълул вақтдан кейин мажлислар залида мутахас-сислар ҳамроҳлигида ҳужжатлар яна бир бора назор-атдан ўтказилди. Ва ниҳоят, икки томон вакиллари иштирокида шартнома имзоланди. Энди Хивадаги тўқимачилик ширкати ҳақ Оврўпа сармоясн билан энг сўнгги русумдаги дасттоҳларни харид қилиши, ишлаб чиқарилган махсулотларни ҳар икки дав-латда савдога чиқариши мумкин. Иш биттач, олмон ширкати патрони:

— Дўстим, биз сизларга сармоя киритаётгани-

шувга эришганидан маннун бўлди. Энди хотиржам юртига қайтаверса бўлаверарди. Ана шу пайт зиефат вақти ҳам етиб келганди. Зудлик билан меҳмонхонага қайтиб, немисча аниқлик билан тезликда кийим-бошини саришта-лади. Пештоқида “WELT” деган ранг-баранг товла-ниб турган ёзувли бино айвонига қадам қўйганда соат миллари ролпа-роса келишилган вақт билан қадам-бақадам юрарди.

Эшикдан кириши билан сершовкин шаҳар марка-зида ажиб бир сукунатни ҳис этди. Ҳайҳотдек хона бўйлаб қатор терилган столлар атрофида одамлар икки, ёки уч-тўрттадан бўлиб хотиржам суҳбатлаш-моқда, айриллари бемалол овқатланарди. Тўрдаги бўш стол ёнида патрон кўринди. Гулмирза у томон юрди. Мезбон бир лаҳза йигитнинг либосларига ти-килиб қолди: худдики у шу либослар ила туғилган-у, унинг либослари ўзи билан бирга улғайгандек. Шун-чалик ҳам бўлиши мумкинми? Во ажабо! Аммо яқи-нига келган меҳмонни ўтиришга тақлиф қилиш учун эгчил ўрнидан кўзгалди.

Юмалок стол устига оппоқ дастурхон солинган, ликопчалар гўё столдан ўсиб чиқиб очилиб турган гулларни эслатар, қатор терилган санчки, пичоқ ва қошиқлар гўё аскарлар каби тизилгани бир томон, атрофдаги одамларнинг маданият билан яйраб ўти-ришлари ресторан муҳитини янада жозибадор қи-либ қўйганидан йигитнинг кўзи қувнади. Бу ердаги хизматчиларнинг шарпадек сасоси ҳаракатланиши-дан ўтирганларнинг барчаси бой-бадавлат аспзода-лар эканлигини бир қарчадек илғаш мумкин эди.

Чиндан ҳам бу муҳида мезбон янада салобатли кўринди. Иккиси ўз ўринларига жойлашиб улғурма-сидан хизматчи ҳозир бўлди.

Мезбон меҳмонга илтифот кўрсатди. Рухсат сў-раб, бюуртма бера бошлади:

— Қизил мусаллас, айнан юз йиллигидан бўлсин, — дея сўзларни шундай донa-дона талаффуз қил-дики, ҳатто унинг оҳангларига-ча ёдлаб олиш мум-кин эди.

Бу ҳаракати иззат қилишми ёки нописандликим, билиш қийин эди. Балки, қимбранишмикан ёки улар-нинг қадимий урф-одати шундай бўлиши мумкин, ҳар қалай, Гуллирза вақимини кузатмоқда.

— Ҳўп бўлади, бош устига, — дея хизматчи оқ қўлқопли кўйи кўксига зипиллаб кетди.

Сал куттириб қўйиб, ниҳоят, хизматчи қўлида са-ватча билан кўриниш берди. Оқ матога ўралган бил-лурдай тиниқ ишшани олиб, биринчи бўлиб меҳмон-нинг олдидаги қадаҳга озгина қўйди, навбати билан мезбоннинг қадаҳига қуяр чоғи ногаҳон дастурхон юзасига бир томчи ичимлик “чик” этиб томди. У бир аср асралганча бор экан, томган жойида иссиқ қон томчисидек қип-қизил доғ қолдирди. Бу вазиятда нима қилишнинг билмай қолган хизматчи ҳар икка-ласидан узр тилаб: “Дастурхонни алмаштирайми?” — дея сўради.

Негадир мезбон қадаҳни қўлга олиш ўрнига доғ томчисига қараб қолганди. Ачинми билан бошини кўтарар экан:

— “Der Kellner”, — дея бошқаларнинг истироҳа-тига рахна солмасликча тиришиб, тиш орасидан ви-шиллаш оҳангига уқтирди. — Тезда янгила!

Патрон вазмин-босиқ бўлишга қанча тириша-син, бир томчи доғ туйфайли жажл отига минганди. Аммо нечоғлиқ қони қайнаса-да, ўзига ярашган ви-қор билан ич-ичидан тошиб келган жаҳли юзида та-бассум бўлиб таралди.

Айни ҳолатга мослашаган осиелиқнинг совуқ-қонлиғи мезбонни ҳайрон қолдирди. У жуда хотир-жам эди.



Муаллиф ҳақида:
Бек АЛИ 1992 йил 6 июнда Самарқанд вилояти Иштихон туманида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. “Мен ахир сенман” ва “Box” номли шеър-ий китоблари нашр этилган. Айни пайтда “Тил ва адабиёт таълими” журнагида фаолият олиб бормоқда.

рарди. Қишлоғимиз болаларидан бир туки ҳам фарқ қилмасди. Бошида ундан дум ўсиб чикмасайди деб хавотирландим. Ҳа, ёмон одамлардан дум ўсиб чи-қади. Мен бунга ишонардим, Худога шукурки, ундан дум ҳам, шох ҳам ўсиб чиқмади.

Ана-мана дегунча мактабга қикди. У билан катта танаффусда учрашиб қолардик. Меҳрим жўш уриб, асраб-авайлаб юрган гулпаримга дарвоза олдидаги камбағал дўхонда меҳмон қилардим. Бечоранинг егани ичига тушмасди. Мен унга саволлар ёғди-риб ташлардим, аввал “карра-карра”. Катта синфга ўта бошлагач, “Навойи қаерда ва қачон туғилган? У нега бизнинг бобомиз? Нима учун Ҳусайн Бойқаро билан Навоийчалик фахрлана олмаймиз?” деган саволларга оғзи тўлиб қоржик чайнаётган бола бе-чора зўр-базўр жавоб қайтарар ва кў

✓ КЎНГИЛ КЕЧИНМАЛАРИ

Айтадиларки, бир одам дарё ёқалаб келаётиб, каттакон ёмби топиб олди. Кўйнидан ёнғоғини олиб, чақмоқчи бўлиб уринган эди, ёмби бир неча бўлакка бўлиниб кетди. “Ялтироқ бўлгани билан ҳеч нимага ярамас экан-ку”, дея афсусланиб, уни отиб юборди-да, қирғоқда қалашиб ётган оддий тошлардан бири билан ёнғоғини чақиб еди ҳамда муродига етиб, ўз йўлига равона бўлди... Қаердадир ўқиганим, ушбу қисқа битик фалсафаси йирик қарашларни ўзида ифода этса не ажаб: майда бир тош орқали инсон яшаш тарзидан тортиб, унинг ички бир дунёсига берилган баҳодай туюлади шу қисқа эпизод.

Ким билсин, балки оддий тош билан кўйнидаги ёнғоғини чақиб, нафсини қондириб кетиб, умр йўлида давом этган инсоннинг қисматига мана шундай битик битилгандир. Қимматбаҳо тошга рубарў бўлиш унга бирор-бир яхшилик келтирмаслиги учун ҳам тақдир унга йўлимизда ҳар куни учрайдиган, биз эътибор бермай ўтиб кетадиган, қаердадир ҳожатимизга яраб, қаердадир йўлимизга тўғоноқ бўладиган оддий тош билан юзлаштиргандир, ким билсин, дейсиз...

Табиатнинг ҳар бир неъматини ўз сиру тилсимотлари билан инсон ақлини шошириб қўяди баъзида. Гарчи улар ҳақида қаерлардадир нималардир ўқиган, эшитган бўлсак ҳам бу неъматлар ҳақида ўз англовларимиз ҳар доим ҳам ҳайратли ва ажаблანарқли туюлади.

Ўзи оддий тош бўлса, нега биз унга эътиборсиз эмасмиз, каби фикр ҳаёлимдан ялт этиб ўтди-ю, у билан боғлиқ юзлаб мисоллар бирин-кетин тасаввуримни бузиб, тошдай отилиб кела бошлади. Ростдан ҳам нега биз тошларни одамларга менгаймиз, унинг феъл-атвориға ўхшатамиз, ҳатто инсон қалбини-да, маънавий дунёқарашини ҳам тошларга муқояса қилишга уриниб кўрамиз. Нега?

Кўчамиздан ўтаётган машина тўсатдан тўхтади. Ҳайдовчи машинадан тушиб, йўлда ёт-

ган тухумдан кичикроқ тошни қўлига олиб, йўл четиға ташлади. Ҳайронлигимни кўриб, изоҳ берди:

— Биродар, кўчада ётган тошнинг ҳам зиёни бор. Агар у баллон четиға тушса, отилиб кетиб, кимнидир жароҳатлаши мумкин. Мен бундай кўнгилсизликка гувоҳ бўлганман...

Яшириб нима қиламан, биз, шахсан ўзим, бундай ҳимматдан йироқмиз. Шу сабабли масала моҳиятини тушуниб етгач, нотаниш, аммо



оқил ҳайдовчининг ҳаракатига, хулосасига қўйил қолдим. Иzza ҳам бўлдим ва ўзи шу тобда уйлаб юрганларим яна ҳаёлимни эгаллаб олди.

Тоғлар бағридаги улкан харсангтошлардан нечоғлиқ ҳайратлансак, йўлимизда учрайдиган майда тошлар ҳаётимизга ҳалақит бераётгандай туюлади. Лекин керакли тошнинг оғирлиги йўқ, дея унга бир маъни юклаймиз...

Сиз-чи, сизнинг ҳаётингизда ҳам тош бирор бир маънога эга бўлганми? Табиийки, бу саволим кўпчиликка эриш туюлса-да, унга ҳаммада ўзига хос жавоб бор. Энди ёзмаганинг шу тош қолувди, дегичлар ҳам топилади, буни яхши билиб турибман. Ҳа, энди, бир-биримизга бўлар-бўлмасга тош отаверганимиздан кейин шу ҳақда ёзгим келди-да... Шунч қам унутмангки, қадимда инсоният бугун бошли тош асрини бошдан ўтказган. Нафақат уй-жойлар, йўллар, зеб-зийнат, ҳатто рўзгор асбоблари ҳам тош-

дан ясалган. Тарозининг посангиси ҳам тошдан бўлган. Тошга сиғинган элатлар бўлган. Катта-катта асарлар тошга ёзилган. Кўплари ҳалигача оҳорида турибди.

Эҳтимол, қиз узатишганда “Борган жойида тош бўлсин” деган ният-ибора ҳам шундандир. Бундан ташқари, “Бошинг тошдан бўлсин-у, болам, бағринг тошдан бўлмасин экан” деган нақлбop гаплар бор.

Дарвоқе, шу ўринда бағритошлик ҳолатига тўхталиб ўтсак. Бу тушунча луғатларда “бераҳм, шафқатсиз” тарзида ифодаланади.

етақлайди сизни. Каъбани кўрганларни бунга ишонтириш шарт эмас.

Тошлар бор: қадри билан одам ақлини олади, бойлик манбаига айланади...

Тошлар бор: биз уларни ёмонликка қаратиб отамиз, масалан, ҳаж зиёратида Арофат тоғида шайтонга тош отилади...

Бадий асарларимизда ҳам тош билан боғлиқ кўплаб элементлар, сюжет ва ҳолатлар мавжуд. Эртақларимизнинг бирида Муқбил тошотар деган қаҳрамон бор. У юксак фази-

ТОШ

Унинг нишонаси неъматга етгач, шукур қилмаслик, меҳнат вақтида сабрсизлик, тақдирга ризо бўлмаслик, хизмат вақтида лоқайдлик, суҳбат чоғида ҳурматсизлик қилишда намоён бўлади. Немис файласуфи Иммануэл Кантнинг ёзишича, “Кўпчилик кишиларнинг бағритош бўлганлигига сабаб шундаки, улар олдин раҳмидил бўлишган ва кўп алданишган”. Очиғи, қамина ҳеч кимга бундай ҳолатни раво кўрмагаймкан...

Одамлар бор: ўтган-кетганга тош отишни одат қилиб олган.
Одамлар бор: орқангдан тош отгани-отган.
Одамлар бор: кўнгилга кучи етмагач, исмини тошга “киритади”, яъни ёзиб қўяди.
Тошлар бор: бағридан гул ёки гиёҳ униб чиқади...
Тошлар бор: мўъжиза ва ҳайрат, имон, эътиқод, кўнгил поклиги-ю ниятлар ҳолислигига

латли, адолатли инсон сифатида ибрат вази-фасини ўтайди. Афсонавий ошиқ Фарҳод тошлар бағрини кесиб, ариқ қазиб, элга сув келтириб, ўз муҳаббатини исботлаган... Шу ўринда бу ҳақда истаганча мулоҳаза юритиш мумкин. Нега Навоий Фарҳодни синовга йўллар экан, айнан тоғу тошлиқлардан сув чиқариш заҳматини унга юклади? Бунинг рамзий маъноси борми ёки фақатгина бир пайтлар, техника ривожланмаган давр учун тошни ёришдан мушкулроқ юмуш йўқлиги учун Фарҳод тушган ва-зият мурақабалигини исботламоқ истаганимиди ҳазрат Навоий? Фарҳоднинг тоғу тошларни ёриб, сув чиқарган қаҳрамонлиқларини ўйлаш асосида бу ишни бефойда юмуш сифатида талқин этган яна бир фалсафий асар ҳақида ўйладим.

Француз ёзувчиси ва мутафаккири Альбер Камюнинг машҳур “Сизиф афсонаси” асари ёдингизда бўлса керак. Абсурд тушунчасининг

МАКТАБ ДИРЕКТОРИНИ ТАЙИНЛАШ “ЎЙИН”ГА АЙЛАНМАСИН!

1-6 Очиқ ёзаётганим учун мактабимдагилар бироз хафа бўлишар, аммо айтмасам бўлмайди: ўшандан буюн мактабимизда бошқа ўшандай ҳурмат-эътиборга эга директорни кўрмадим.

Биринга биз ўқиган мактабда эмас, бошқа муассасаларда ҳам жуда кўп директорлар алмашиб кетди. Кимдир лавозимда озгина ишлайди-ю, қандайдир сабаб билан бошқа ишга ўтади. Янги одам келиб, тартиб ўрнатмоқчи бўлади-ю, ўда-бурон ўқитувчиларнинг ҳурматсизлиги ва фитналаридан безиб, ариза ёзади. Ёки ниманидир баҳона қилиб, устидан шикоят йўллашади. Буларни кузатиб, киши ачини кетади. Баъзан бу лавозимга мутлақ номуносиб одамлар ҳам давзогарлик қилишга журъат этаётганини кўриб, ёқа уш-лайсан.

Яқинда бир тадбир билан мактабимизга боргандим. Биз ўқиган вақтларда йўналиши педагогикага мос тушмагани учун услубчимни ёки етакчимни вази-фасида ишлаган бир аёл директор ўринбосари бўлиб олибди. Ўқитувчимиз келмаган кунлари ўғил болаларга меҳнат таълимидан дарсга қилиб, шунда ҳам болалар билан уришиб, жеркиб чиқиб кетадиган бу аёлнинг жуда катта уйсига эришганига қойил қолдим. “Олийгоҳда ўқиб анча осон бўлиб қолди, яхшироқ жойда таълим олиб, ма-лакасини оширгандир”, деб ўйладим. Ҳар-туғил, директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлигига ҳар қандай одам ҳам лойиқ кўрилавермайди-да. Муомала маданияти, юриш-туриши, оилавий ахлоқи, болаларни эргаштира олишга жиддий эътибор қаратилишига амин эдим.

Буни қарангки, орадан 4-5 ой ўтар-ўтмас ўша аёл директор бўлиб олибди. Иш-қилиб, ўйлаган яхши гумонларим рост бўлсин.

Назаримда, директорлик лавозими учун жуда катта курашлар кетаётганга ўх-шайди. Муносиб одамлар тайинланса-ку, нур устига нур, аммо ҳатто ўқитувчиликка ҳам номуносиб кимсалар мактабга раҳ-бар бўлиб қолса, бу жуда катта фожиадир. Бундай вазиятда тартиб-интизом билан бир қаторда таълим ҳам мутлақ издан чи-қиши, ўқитувчи деган улғу касб нуфузига қаттиқ путур етиши мумкин.

Турли одамлардан эшитадиган ёки иж-тимоий тармоқларда учраётган айрим но-хуш хабарларни ўқиганим заҳоти яна ўша ибратли директоримиз ҳаёлимга келади. Қадамидан маънавият, маърифат уфуриб

туриши зарур бўлган кишиларнинг қилаёт-ган қилмишларидан хафа бўлиб кетаман: “Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида вояга етмаган ўқувчига шилқим-лик қилган мактаб директори 5 суткага қамалди. “Дарё” суд ҳужжатлари билан танишди.

Маълум бўлишича, 1987 йилда туғил-ган, Юқори Чирчиқ туманидаги мактаб-ларнинг бирида директор вази-фасида ишловчи И.Ж. жорий йилнинг 16-17 ап-рель кунлари “Telegram” мессенжери ор-қали ўқувчисиға турли хил шаҳоний ҳу-сусиятга эга бўлган SMS-хабарлар жў-натган”.

“Самарқанд шаҳридаги 81-умумий ўрта таълим мактаби директори О.О. атрофида кетма-кет можаролар юзага келди. Ижтимоий тармоқларда тарқал-ган хабарлар ва видеоларга кўра, мактаб раҳбари тадбирга келган ёш ходима-ларга шилқимлик қилгани ҳамда мактаб ҳовлисида ўқувчиларни уриб-тепагани ай-тिल्моқда. Фарзанди ҳимояси учун мак-табга келган ота-оналарга эса унга пе-дагогикани ўргатмаслик кераклигини ай-тиб жавоб берган”.

“Қосонда мактаб директори қалбаки диплом тайёрлаб бериш ва мактабга ишга жойлаштириш учун 800 доллар пора олаётганда ушланди”.

“Бош прокуратура ҳузурдаги Депар-таментнинг Сурхондарё вилояти бош-қармаси ходимлари томонидан Ангор ту-мани прокуратураси билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда тумандаги 26-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори О.Х. қўлга олинган. Бош про-куратура Аxbорот хизматининг хабар беришича, у ўқитувчи Н.Й.ни мактабдан бўшатмаслик эвазига тамағирлик йўли билан 2 миллион сўмини олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган”.

Келажак учун жавобгар бўлган кишилар ҳақида бундай хабарлар тарқалишининг ўзи орқикли.

Академик лицейда ўқиб юрган вақтлар-ида вилоят микёсидаги бир тадбирда тасодифан икки кишининг жанжалига гу-воҳ бўлиб қолдим. Бақир-чақирлар ку-чайган маҳал улардан бири “Биз ўқитув-чимиз!” деди-ю, иккиси ҳам тинчланди. Уларнинг бошқалар олдида ўқитувчилар-нинг тортишиши тўғри эмаслигини аңла-гани, ўзларини қўйиб туриб, энг аввало, бу касб шаънига путур етказмаслиқни ўйла-гани қувонарли. Қани энди, ота-оналар ол-дида ҳам ўйлаб ўтирмай жанжаллашади-ган, интернетда ўз ҳамкасбини сазойи қи-либ видео тарқатадиган, дарс соати қам

бўлиб қолгани учун директорнинг устидан арз қилиб, барча эшикларни қочиб юради-ган ўқитувчиларда ҳам мана шу маданият-дан мисқолча бўлса!

Яқинда бир ҳамкасбим 6 ёшли фарзан-дини билими яхши бўлгани учун мактабга жойлаштиришга боргани ҳақида сўз очиб қолди. “Боламининг бошланғич тушунча-лари, ўзлаштириши яхши. Исталган усу-лингизда суҳбатлашиб кўришингиз мум-кин”, дебди. Мактаб директори эса бола билан эмас, отаси билан “муомала қи-лиш”ни афзал билиб: “Яхши, фарзандин-гизни муддатидан олдин ўқувчиликка қа-бул қиламиз. Бунинг учун мактабимизга нима олиб бера оласиз? Шкафларга эҳ-тиёжimiz бор. Олиб келиб беришга вақ-тингиз бўлмаса, ҳеч хижолат бўлмай, пу-лини берсангиз, ўзимиз келтириб қўя-миз”, деб киприк қоқмай гапирганини айтиб берди. Бунақа директорлар қандай пайдо бўлиб қоляпти — ҳайронсан киши. Директорлар устидан ўқитувчиларнинг ариза ёзишини ҳеч қачон ёқламаганман. Аммо бунақа тамағир одам қўл остидаги-ларга ҳам ноҳақлик қилмаслигига ишонч йўқ. Шулар ҳақида фикр юрига туриб, ўй-лаб қолдим: аслида, мактаб директорлиги учун қандай одамлар танлаб олинади ва қандай тайинланади? Узоқ йиллар мак-табда ҳалол ишлаган, жамоада ҳурмат қо-зонган кишилар танланадими ёки бошқа-ча тартиб борми?

2019 йилда “Умумий ўрта таълим муас-сасасининг кузатув кенгаши ҳақидаги на-мунавий низоми” Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўт-казилган эди. Унга кўра, таълим жараёни-нинг шаффофлигини таъминлаш, жамоат-чилик таъсирини қучайтириш, ўқувчилар-нинг сифатли таълим олишлари, уларга тегишли шарт-шароитлар яратиш ҳамда таълим-тарбия жараёнларини қўллаб-қув-ватлаш мақсадида ҳар бир таълим муас-сасасида Кенгаш ташкил этилиши, бу кен-гашларда ота-оналар ва ўқувчилар мак-таб директори ким бўлишини белгилаши айтилганди. Ҳозир ҳам шу тартиб амал қи-ляптими? Модомики шундай экан, нобоп директорлар қандай келиб қоляпти, деган савол туғилади.

Президентимизнинг 2023 йил 26 май-даги 79-сон Фармониға мувофиқ, умумий ўрта таълим муассасалари директорла-рини менежерлик курсларида ўқитиш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш белгиланган эди. Ушбу жараёни амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 25 декабрдаги 681-сон қарори билан “Давлат умумий ўрта таълим муас-

сасалари директори лавозимига номзод-лари менежерлик ўқув курсларида ўқи-тиш ва уларга менежерлик сертификатини бериш тартиби тўғрисида Низом” тасдиқ-ланган. Унга кўра, Абдулла Авлоний но-мидаги педагогик маҳорат миллий инсти-туту томонидан умумтаълим мактаблари директорлари лавозимига номзодларни менежерлик ўқув курсларида ўқитиш ва махсус портал орқали уларга менежерлик сертификатини бериш тизими жорий этил-ган. Менежерлик курслариға ўқиш учун номзодлар камид бакалавр даражасига ҳамда мактаб директорлари учун белги-ланган малака талабларига мувофиқ бў-лиши лозимлиги айтилади.

Ҳўш, мактаб директорлари учун бел-гиланган малака талабларида юқори-даги сифатларға эътибор қаратиладими? Тўғри, республикада мактаблар жуда кўп, ҳаммасига ҳам раҳбар тайинлашни мар-каздан туриб назорат қилиб бўлмас, бироқ туман (шаҳар) даражасидаги ташкилот-лардан юбориладиган номзодлар тегишли масъуллар томонидан пухта ўрганилиши зарур. Бугун мактаб директорлиги унча катта раҳбарлик лавозимидек қўрилмаёт-ган бўлиши мумкин. Аммо ўнлаб, юзлаб ўқитувчиларға бoш бўладиган, минглаб ўқувчилар таълимиға масъул раҳбарни та-йинлашни ҳар қандай ташкилотға етакчи тайинлашдан кўра нозикроқ масала си-фатида кўриш зарур эмасми? Ахир иста-йимизми, йўқми, мактаб директори ўша таъ-лим масканининг нечоғлиқ даражада илм-маърифат даргоҳи даражасида бўлишини таъминлайдиган шахсдир.

Қизик, бугун туман Мактаб ва мактаб-гача таълим бўлимларидан мактаб ди-ректорларини тайинлаш ваколати олиб ташланган. Уни вилоят Мактаб ва мак-табгача таълим бошқармаси мутасад-диси ҳал қилиб экан. Энди ўйлаб кўринг: битта вилоятда қанча мактаб бор? Бош-қарма бошлиғи бўйруғи билан тайинла-нган ёки вази-фасидан овоз қилади-ган ақсарият мактабларининг ҳатто қаерда жойлашганини билмайдиган ҳам. Лекин ва-зифаға қўяди. У қишлоқда ёки маҳаллада фаолият юриятадиган мактаб ва унинг раҳ-бари қандай одам, қандай обрў-эътиборга эғалигини вилоят марказидагилар эмас, биринчи навбатда туман ва шаҳарлардаги мутасаддилар яхшироқ билишмайдими?

Демак, бу борада директорларни та-йинлаш ёхуд бўшатишдаги ғалати “тар-тиб”ларни ўйлаб кўрадиган вақт келди...

Қамолддин РЎЗИМАТОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

дастурий манифестиға айланган ушбу фал-сафий эссени эслашингиз билан учта асосий тушунча кўз ўнгингизда гавдаланади. Сизиф, тош, тоғ. Эпизод ҳам шу манзилда содир бў-лади. Эсседда Камю қадимги юнон фалсафа-сига мурожаат қилади, бу афсонада Сизиф Ҳу-долар томонидан доимий равишда улкан хар-санг тошни тоғ чўққисига думалатиб чиқишга ва яна пастга ағдаришга маҳкум. Файласуф учун бу маъносиз ва машаққатли меҳнат инсо-ният ҳаётининг метафорасига айланади.

Сизиф бир умр улкан харсанг тошни тоғ юқорисига думалатиб чиқишга маҳкум. Аммо бу маҳкумлик асар қаҳрамонини тушкунликка солмайди. У тошни олиш учун пастга тушаёт-ганда ўз ахволининг бефойдалиги ва фожиа-сини тўлиқ тушунади. Муваффақиятга умид қилмасдан ишини муттасил давом эттиради ва мана шу ички исёни орқали худоларни ва тақдирни мағлуб этади. Камю афсона ҳақи-даги анъанавий тушунчани ўзгартиради, кураш ҳамда чўққиға кўтарилиш жараёнининг ўзи ин-сон инсон қалбини тўлдириши мумкинлигини таъкидлайди.

Англаганингиздай, бу эсседда ёзувчи тошга катта маъно юклайди. Маъноки, у ўзида ҳаёт машаққатларидан тортиб, тақдиримизга би-тилган борки юмуш ва юкларидан иборат у. Жисмоний машаққатлар билан биргаликда биз излаган маънолар, кўнгилмизни қийнаётган иддаолар-у, қалбимиздан тополмаётган ором-лар — ҳаммаси шу харсанг тошда жо бўлган, назаримда...

Йўқ, бу топилмалар, ўхшатишлар, халқ ма-қоллари-ю асарлардан иқтибослар орқали биз табиатнинг бу бўлагага катта бир маъно юкла-моқчи эмасмиз. Юклаган маънолар-у айтим-лар ҳам аллақачон айтиб бўлинган бўлса не ажаб! Фақат йўлимиздаги оддий тош кимнинг-дир оғирини енгил қилиши мумкинлиги аниқ-дек, ёнғоқ қақиб еган йўловчи сингари кимнинг-дир ҳаётини ўзгартириб юборадиган дахмаза бўлиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас, беҳос қоқилиб, вужудига зарар етказган киши каби.

Мана шу қараш эса кишиға тинчлик бермай-ди, беихтиёр уйға толасан: эҳтимол, ўша санг йўлимиздан бежизга чиқмагандир-а...

Фармон ТОШЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

✓ ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА



АЛИМЕНТ ТЎЛАМАСЛИК ОҚИБАТИ

Ҳар бир ёш оила қуриб, янги ҳаётга қадам қўяр экан, аввало, турмуши ширин ва бахтли бўлишини истади. Бироқ қуруқ орзу-истакнинг ўзи етарли эмас. Чунки оила деб аталмиш бўстонда ҳаёт ҳамиша бир текис кечмайди. Бу эса эр ва хотиндан сабр-тоқат ҳамда аҳилликни талаб этади. Акс ҳолда, арзимаган гап-сўзлар ва келишмовчиликлар оилавий муносабатларни емириб, ҳаётни боши берк кўчаға киритиб қўйиши ҳеч гап эмас.

Тошкент шаҳрида яшовчи Рўзи Мухсинов (исм-фамилия-лар ўзгартирилган) ҳам орзу-ниятлар билан Шарофатга уй-ланган эди. Орадан йиллар ўтиб, улар ўғил ва қиз фарзанд кўришди. Аммо фарзандларнинг дунёға келиши ҳам оила ришталарини мустаҳкамлай олмади. Рўзгордаги майда-чуйда гап-сўзлар бора-бора эр-хотинни ажрашиш остона-сига олиб келди. Ажрашишгач, Шарофат бир муддат фар-зандларини ёлғиз ўзи, алиментсиз боқиб юрди.

Суд ажримига асосан, Рўзи Мухсиновга вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун ҳар ойда иш ҳақи ва бошқа даромадларининг учдан бир қисми миқдориди алимент тўлаш мажбурияти юклатилган эди. Бироқ у белги-ланган маблағни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келди. Шу ўринда айтиш керакки, Р.Мухсинов ўзининг юриш-туриши, номақбул ҳули билан маҳаллада ҳам салбий таассурот қолдирган. Натижада ўз фарзандлари таъминотидан қочиб, алимент пулларини тўламай келган Р.Мухсинов суд ҳукми билан айбдор деб топилди.

Ўз зурриётларини унутган ота суд ҳукмиға кўра, 1 йил-у 1 ой муддатға озодлиқдан маҳрум қилинди.

Ота-онанинг фарзандлари олдидаги энг асосий мажбу-риятларидан бири — вояга етмаган болаларини моддий жиҳатдан таъминлашдир. Бу бурчни ихтиёрий равишда ба-жармаган ота қонуний жавобгарликка тортилиши муқаррар. Мурғак фарзандлари тақдирига бу қадар бефарқ қарайди-ган оталарнинг учраб туриши, албатта, ачинарли ҳолат. Шу боис қонунчилигимизда бундай кимсаларға нисбатан қатъий жавобгарлик чоралари белгиланган.

Оила — жамиятнинг кичик бир бўлағи, унинг мустаҳ-камлиги эса юрт келажакини белгилловчи муҳим омилдир. Шундай экан, муқаддас даргоҳ — оила бутунлигини сақлаш ва фарзандлар таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни унутмайлик.

Баҳодир ҚАЙОМОВ,
Жиноят ишлари бўйича Яққасарой туман судининг судьяси.

